

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви кафедраси
Олий математика ва ахборот технологиялари кафедраси**

Тасдиқлайман

доц. Астанов А.

Иқтисодиёт ва бошқарув
факультети декани

«_____» «_____» 2012 й

5610100 – Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: «Фермер хўжаликлариди сабзаваот
маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни
ошириш имкониятларини аниқлашда ахборот
технологияларини қўллаш» (Пайариқ тумани фермер
хўжаликлари мисолида)**

**Бажарувчи: Иқтисодиёт ва
бошқарув факультети, фермер
хўжалигини бошқариш ва юритиш
йўналиши 4 босқич 407 гуруҳ
талабаси:**

Гаппаров Нуриддин

Илмий рахбар, и.ф.н., доцент:

Урдушев Х.

Битирув малакавий иш муҳокама қилинди ва ДАКга
ҳимояга рухсат берилди

Олий математика ва ахборот технологиялари кафедраси
мудири, и.ф.н., доц. Урдушев Х.

“_____” _____ 2012 йил.

Самарқанд - 2012

М У Н Д А Р И Ж А

К И Р И Ш	3
1-боб. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ	8
2-боб. ПАЙАРИҚ ТУМАНИДА МЕВА –САБЗАВОТ ВА УЗУМ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	17
2.1. Пайариқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлашда қишлоқ хўжалигидаги тармоғидаги иқтисодий ислоҳотларнинг аҳамияти	17
2.2. Сабзавот, узум ва мевачилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши ҳақида.....	22
2.3. Пайариқ туман хўжалик корхоналарида сабзавот, узум ва мева ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичларини ва маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг таҳлили	28
3-боб.МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ СТАТИСТИК МАТЕМАТИК УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ	39
3.1.Пайариқ туманда сотилган сабзавот, узум ва мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш рентабеллигини статистик таҳлили	39
3.2. Эконометрик моделлар ва уларнинг асосий тушунчалари	47
3.3. «Облоқулов Ғофур олмазори» фермер хўжалиги маълумотлари асосида эконометрик моделларни тузиш ва олинган натижаларнинг таҳлили	51
3.4.Соғлом турмуш тарзи асослари ва унинг ҳаёт фаолияти ҳафсизлигини таъминлашдаги ўрни	58
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	65
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	71

К И Р И Ш

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиради.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозорига барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой саноатига хомашё етказиб бериши билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқа саноат тармоқлари маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади [29].

Фермер хўжаликлари эришаётган натижалар уларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шаклларида бири эканини тасдиқламоқда. Аммо, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда орттирилган тажрибалар фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун бир қатор муҳим вазифаларни, жумладан, уларнинг молиявий барқарорлигини, рақобатбардошлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни талаб этди.

Шу ўринда ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: “Шуни очиқ тан олиш керакки, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларнинг маъсулиятини янада ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим”, “Ўтган йили 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини бажара олмади. Натижада 120 миллиард сўмликдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хом ашёси кам етказиб берилди. Агар бу кўрсаткични экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми, пахтани қайта ишлашдан олинадиган мой, шрот,

кунжара ва бошқа маҳсулотларни ҳисобга олмаганда ҳам, йўқотиш қарийб 100 миллион долларни ташкил этади”¹.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида ислоҳатлари амалга ошириш учун ҳуқуқий ва меъерий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси “**Меҳнат Кодекси**” [3], Ўзбекистон Республикасининг “**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**” [1], “**Фермер хўжалиги тўғрисида**”ги қонунлари [4] қабул қилиниши билан қишлоқ хўжалигини истиқболда самарали ривожланишининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу ҳуқуқий асослар натижасида қишлоқ хўжалигида: ердан фойдаланиш, сувдан фойдаланиш, мулкӣ, молия-кредит ва солиқ соҳасида ва нарх-наво ислоҳатлари амалга оширилди ва оширилмоқда.

Ўзбекистонда барча соҳаларда иқтисодий ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг асосий мақсади – иқтисодиётни эркинлаштириш орқали аҳолига эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашдан иборатдир. Республикамиз қишлоқ хўжалик иқтисодиётида мева, узумчилик ва сабзавотчилик салмоқли ўринлардан бирини эгаллайди. Лекин бу соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳатлар талаб даражасида эмас.

Шу боисдан 2006 йил 9 январда «**Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди [6]. Бу фармонда мамлакатда мева-сабзавот маҳсулоти ва узум етиштириш ва уни комплекс қайта ишлашни ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, шунингдек зарур экспорт базасини яратишнинг энг муҳим шартлари кўрсатиб берилган.

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги боқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза/И.А.Каримов.- Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. -36 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони ижросини таъминлаш ҳамда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева сабзавотчилик тармоғини такомиллаштириш мақсадида 2006 йил 11 январидagi «**Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори [7] қабул қилинди.

Жумладан, бу қарорда: «...2006 йил биринчи чорагида мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантиришни йўл-йўриқлари кўрсатиб ўтилган.

Ҳозирги давр жамиятни ахбротлаштириш давридир. Ахборотда иқтисодий ахборот тушунчаси энг оммалашган ва қўлланиш кўлами катта бўлган тушунчалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳатларни янги босқичда мулкчиликнинг ижара шакллари, шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини манфаатлари устиворлигини таъминлаш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини анна шу мақсадга қаратиш, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритиш субъектларини сақлаб қолинган ҳолда ривожлантириш назарда тутилади.

Балки фаол меҳнат қилишга булган манфаатдорликни оширувчи механизмини яратиш ва қишлоқ хўжалик корхоналарни эркин рақобат асосида жадал ривожланишни ҳаракатга келтирувчи самарали восита бўлиб, иқтисадиётни халкнинг турмуш шароитини, форовонлигини оғишмай юксалиб боришига қарашишдир. Табиийки бу айтиб ўтилган тадбирлар қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларига, корхоналар ва турли шаклдаги хўжаликларга таалуқлидир. Ҳозирги вақтда «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» [50] тизимларининг мева-узумчилик тармоқларини самарали ривожланишини таъминлайдиган ва у билан боғлиқ булган харажатларни

камайтирадиган ишлаб чиқариш механизимини ҳаракатга келтириш, барча турдаги ресурслардан тежамли фойдаланиш тадбирларини амалга ошириш ва умуман тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш зарурлигини келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, ҳўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизими ишлаб чиқилиб уни амалиётга татбиқ қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Мавзунинг долзарблиги

Республикамиз қишлоқ хўжалигида вужудга келаётган янги хўжалик юритиш шакллари орасида деҳқон ва фермер хўжаликлари муҳим аҳамият касб этади. Мева – сабзавот ва узумчилик йўналишларида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари хўжалик юритишнинг шахсий манфаатдорлик, ташаббускорлик ва мулкый жавобгарлик тамойилларига таяниб, қишлоқ хўжалигида мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиқ ва соғлом рақобат асосида ривожланиб боришига асосланади. Улар ўзлари етиштирган маҳсулотларига эгалик қилишига, узига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни мустақил тасарруф этишига, ерга булган эгалик ҳиссига кўра, яъни мустақил хўжалик юритиши бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос тушади.

Мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларида мева-сабзавот ва узумларнинг уларнинг навлари бўйича таркибига кўра ишлаб чиқариш жараёнларини самарадорлигини аниқлаш муҳим ўринни эгаллайди.

Боғ ва токзорларни навлари бўйича ишлаб чиқариш жараёнларини статистик ва эконометрик моделлар асосида таҳлил қилиш ва истикболда ривожланишини башорат кўрастқичларини аниқлаш соҳаини режалаштириш жараёнларида муҳим ўринни эгаллайди. Юқорида келтирилганларни амалга

оширишда - компьютерлар асосида қайта ишланадиган – иқтисодий ахборотлар ётади.

Компьютерларда иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш учун кўплаб дастурий ва амалий характердаги таъминотлар ётади. Иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш воситаларидан бири, ишлаб чиқариш амалиётига иқтисодий-математик усуллар ва моделларни қўллашдир. Иқтисодиётда-амалиётга энг кўп қўлланиладиган усулларидан бири ҳам – статистик ва эконометрик моделлаштириш усуллари дир.

Мавзуни илмий - амалий асослаш. Мева -сабзавотчилик фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш жараёнларини иқтисодий таҳлилида статистик ва эконометрик моделларини қўллаш асосида кўплаб иқтисодий мазмундаги масалаларни ечиш мумкинлигини асослаш ва уларнинг амалиётга қўллашнинг аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборат.

БМИ мақсади: мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнлари таҳлил қилиш, ҳамда хўжаликнинг кўп йиллик маълумотларига кўра уларнинг ҳосилдорлигини ўзгаришини минерал ва органик ўғитлашга боғлиқлигини ифодаловчи эконометрик моделларини тузиш ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

БМИнинг асосий вазифалари:

- Пайариқ тумани мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари ва иқтисодий салоҳиятини ўрганиш;
- Туман бўйича мева – сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва статистик таҳлилларни амалга ошириш;
- мева – сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллигини ҳозирги ҳолатини омилли таҳлил қилиш;
- мева ва сабзавот ҳосилдорлигини минерал ва органик ўғитлаш миқдорига боғлиқлиги ифодаловчи эконометрик моделларини тузиш олинган натижаларни таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

1-боб. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

I.1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Республика Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

1) «Фермер хўжалиги тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1998 йил 30 апрель. (Янги таҳрири 2004 йил)

Бу қонун 7 та боб ва 36 та моддадан иборат. Бу қонун билан қишлоқ хўжалигидаги ислохатлар иқтисодий узгаришларнинг энг муҳим бўғини деб эътироф этилди, янги хўжалик механизми-фермер хўжаликлари ташкил этиш ва фаолият юритишнинг асосий қоидалари яратилди. Агар 1998 йилда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга мувофиқ “фуқароларга фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари 50 йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши” кўзда тутилган бўлса, 2004 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга мувофиқ “фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага 50 йилгача бўлган, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга бириктирилиши” белгилаб берилди.

2) Ўзбекистон Республикасининг «Ер Кодекси». 1998 йил, 30 апрель.

1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди ва шулар асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун тўла ҳуқуқий асос яратилди

3) «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2006 йил 9 январь, ПФ-3709-сон. Ўзбекистон Республикаси ҚОНУН ҳужжатлари тўплами. № 2. 2006 йил январь. -3-5 б.

Бизнингча, бу фармоннинг қуйидаги бандлари жуда муҳим аҳамиятга эга:

а) тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этиладиган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан 5 йил муддатга ;

б) янги ташкил этиладиган агросаноат фермалари даромад (фойда) солиғи тўлашдан ер солиғи, мулк солиғи қушилган қиймат солиғи (ипортга қушилган қиймат солиғидан ташкари), ягона солиқ тўлови тўлашдан – 3 йил муддатга озод қилинсин

4) «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006 йил 11 январь, ПҚ-255-сон. Ўзбекистон Республикаси ҚОНУН ҳужжатлари тўплами. № 2. 2006 йил январь. -8-10 б.

Бу қарорда: «Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли равишда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар яратиш ва уларни кенгайтиришга йўналтирилиши» кўрсатиб ўтилган.

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг боғ ва узумзорларни сотиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ. Низом ЎЗР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 18 январдаги 13- сон буйруғи билан тасдиқланган.. Ўзбекистон Республикаси ҚОНУН ҳужжатлари тўплами. № 4-5. 2006 йил январь-февраль, -53-62 б.

I.2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

5) Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқин хаёт манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

Бу асарда Президент И.А.Каримовнинг Биринчи чакрик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Х-сеесиясида сўзлаган нутки келтирилган. Бу нутқда Республика қишлоқ хўжалигини ҳозирги вақтдаги долзарб муаммолари ва уларни ечиш йуллари хақида суз боради.

Бу китобда "Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг серхаражат механизими хамон ҳукумронлик килмокда. Бу ишлаб чиқаришда маҳсулот таннархида номутаносибликни келтириб чиқараётир. Моддий харажатларнинг

ишлаб чиқариш натижаларида хаддан ташқари катта бўлишига олиб келмокда"- деб айтилган.

6) Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлактни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

Ҳаммамизга маълумки, бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иктисодиётни янада эркинлаштириш, президент И.А.Каримов куп мароталаб таъкидлаганидек, Республикамизда «асосий устивор вазифа», «жамиятимизнинг барча соҳасига дахлдор булган гоят муҳим масала», Ушбу муҳим масалани хал қилиш эса «... олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафакат иктисодий, балки, хам ижтимоий, хам сиёсий вазифаларнинг асосий шарти» хисобланади.

7) Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. (Зарафшон газетаси. №19-20. 15-февраль, 2007 йил.)

8) Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

9) Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

10) Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

11) Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат

қилади. -Т.: Ўбекистон, 2011. - 48 б. Бу маърузадаги, қуйидаги фикрни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: « Айни пайтда биз ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда. Ушбу моделнинг тамойиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беқарорликнинг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимида салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди. Айни пайтда биз ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда.

12) Ушбу моделнинг тамойиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беқарорликнинг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимида салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди».

13) **Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги боқичга кўтарадиган йил бўлади:** 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза/И.А.Каримов.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. -36 б.

Бу маърузада қуйидаги фикрни БМИ келтиришни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз: «..мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2011-йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир».

I.2. Дарслик, ўқув қўлланма, монография ва илмий мақолалар

14) Бакетт М. Фермер хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш. –Т.: Мехнат, 1998.

Бу китобда Англиядаги қишлоқ хўжалигини ривожланиши қонунлари фермерлик фаолиятлари еритилган. Келтирилган маълумотлар реал мисоллар билан мустахкамланган. Асар 12 бобдан иборат. Жумладан, унинг 9-боби "Хўжаликнинг асосий боблари фойдасига таъсир этувчи омиллар" деб номланади. Бу боб чорвачилик тармоғига оид бўлиб, унда "Ут яйлов хўжалиги"; "Сут ишлаб чиқариш. Мол гушти етиштириш"; "Чучкачилик", "Куйчилик" ва "Дон экинларини етиштириш" масалалари еритилган. Биз диплом ишини еритишда, 9-бобдаги материалларга, услубларга асосланган ҳолда

15) Беркли Хилл. Иқтисодиётга кириш. –Тошкент. Мехнат, 1998.

Бу дарслик қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртли ва коллеж талабаларига мулжалланган бўлиб, унда иқтисодиётга киришнинг оддий самарали йули баён қилинган. Бу китоб 10 бобдан иборат. "Ишлаб чиқариш иқтисодиети" деб номланган 5-бобдаги "Омил-маҳсулот муносабатларини оптималлаштириш усулларини бирлаштириш" мавзуларидан фойдаландик.

16) Олимжонов О. ва бошқ. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. –Тошкент. Университет, 2005.

Бу қўлланма фермер хўжаликлари раҳбарларига мўлжалланган. У қуйидаги 4 та боблардан ташкил топган: «Фермер хўжалигида фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари», «Фермер хўжаликлари фаолияти қонун ҳимоясида», «Фермер хўжалиги фаолиятини ташкил қилиш», «Фермер хўжалигида шартномавий муносабатлар». Жумладан шу китобга сўз боши ёзган ЎЗР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жўраевнинг фикрини келтирамиз: «... Ислоҳатларнинг учинчи босқичи 2000 йилдан бошланди. ... Бу босқичда фермер хўжаликларини, биринчи навбатда паст

рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни фермер хўжаликларига айлантириш асосида қайта ташкил этиш механизми жорий этилиши баён қиланган.

17) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет. (Тузувчилар: Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В.).

18) Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК. Учебник. - Минск: Новое знание, 2001.

Бу дарслик 2 та бобдан ташкил топган. Бу боблар 15 та бобга ажратилган бўлиб, унинг олтинчи боби «Анализ использования трудовых ресурсов и фонда оплаты труда (Мехнат ресурслари иш хақи фондини тахлили)» деб номланади. Биз малакавий битирув ишини ёзиш жараёнидаги бажарилган тахлилларда мазкур китобда ёзилган услублардан фойдаландик.

19) Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. -Тошкент: Истиқлол, 2004.

Таниқли иқтисодчи олим, проф. Ф.Жўраев томонидан бу дарсликда қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатларини бозор тизими асосида шакллантиришнинг долзарб масалалари, турли хил шаклидаги корхоналарни ташкилий –хўжалик асослари, хусусан фермер хўжаликларини янги концепция асосида шакллантириш ва ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги тизими ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ўрганишнинг назарий ва амалий асослари баён қилинган. Биз Малакавий битирув ишини ёзиш жараёнида дарсликнинг «Деҳқончилик тармоқларини ташкил этишнинг илмий асослари» номли иккинчи бобидаги «Дон ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Сабзавотчиликни ташкил этиш» ва «Ўзумчиликни ташкил этиш» бобларида ёритилган илмий – услубий материаллардан фойдаландик.

20) Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти: Олий ўқув юртлари учун дарслик.- Т.: Молия, 2005.- 412 б.

Бу дарслик 33 та бобдан ташкил топган. Жумладан дарсликнинг 10 боби куйидагича номланади: «Ер – сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш». Дарсликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иккинчи хусусияти ҳақида суз юритилиб куйидагилар такидланади «бу тармоқда бош ишлаб чиқариш воситаси ер ресурслари ҳисобланади. Меҳнат жараёни ва маҳсулот ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигида бевосита ер билан, унинг сифати, ундан фойдаланиш жараёни билан боғлиқ. Биз малакавий битирув ишини ёзишда «Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг умумий масаллари» номли бобида ёритилган «Иқтисодий самарадорлик тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари ва мезони», «Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари», «Иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари» мавзуларидан, шунингдек «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги ва уни ошириш имкониятлари» деб номланадиган 20-бобнинг «Рентабеллик тушунчаси, кўрсаткичлари ва уларнинг ҳисоблаш усуллари» ва «Рентабелликни ошириш омилларидан оқилона фойдаланиш» мавзуларда ёритилган услублардан фойдаландик. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасида нисбат билан ифодаланилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамалакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йигиндисига боғлиқ

21) Исмоилов А.А., Рихсимбоев О.Қ. Иқтисодий таҳлилнинг математик усуллари ва башоратлаш. –Т.: ТДИУ, 2007. -335 б.

Ушбу ўқув қўлланмада иқтисодий таҳлилда комплекс математик усуллардан кенг фойдаланиш имкониятлари келтирилган. Замонавий бизнес ва менежментда муваффақиятларга эришиш мавжуд иқтисодий муҳит, вазиятни чуқур иқтисодий таҳлиliga таянади ва мавжуд альтернатив вариантлар ичидан

оптималь ечимни танлашга боғлиқ бўлади. Қўлланмада оптималлаштириш усуллари, статистик усуллар, эвристик усуллар ва бошқа усуллардан амалий масалаларни муваффақиятли ечиш учун замонавий бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш соҳалари келтириб ўтилган. Ахборот технологияларини қўллаб иқтисодий жараёнларни иқтисодий-математик моделларини тузиш, таҳлил қилиш ва уларнинг келажакдаги ҳолатини башорат қилиш бошқарувчиларга самарали қарор қабул қилишга имкон беради.

22) Қудратов Т., Файзиева Н. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. – Самарқанд: Н-Доба, 2010. – 271 б. Бу дарсликда «...турли мулк шаклига асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этиши ва амалга ошириши ҳамда назорат ҳақидаги билимга эга бўлишига, хўжаликларнинг ҳисоби, ҳисоботлари ва бизнес-режаларидан ҳамда юридик ҳужжатлардан мустақил фойдаланиб, барча фаолиятларининг натижаларини омилли таҳлил қилиш ва назоратни ўтказиш усуллариининг мазмун-моҳиятини эгаллашига ҳамда таҳлил натижаларига комплекс баҳо бериш кўникмалари ва малакасига эга бўлиш имкониятларини яратиб беради».

23) Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001. Қўлланмада бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида корхонада иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш, унда кулланиладиган усуллар, корхона иқтисодий ва молиявий салоҳияти, меҳнат салоҳияти, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлик, молиявий барқарорлик каби муҳим иқтисодий категорияларни ифодаловчи курсаткичлар, уларнинг тизими, тавсифи, назарий ва Амалий жиҳатдан очиқ берилган.

24) Урдушев Х., Усмонов Р. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий-математик усуллар ва моделлар. – Самарқанд: СамҚХИ, 2002. Бу ўқув қўлланмада экин майдонларини оптимал таркибини аниқлаш, чорва молларига оптимал озуқа рационини тузиш, минерал ўғитларни оптимал тақсимлаш, транспорт масаласи каби оптималлаштиришнинг назарий тушунчалари ёритилган. Назарий ва амалий тушунчалар аниқ мисоллар асосида курсатиб

берилган. Олинган оптимал ечимлар тахлил килинган. Асосий тушунчалар аник ва умумий талаблар асосида еритиб берилган.

25) Шодиев Т.Ш., Хакимов Т.Х., Болтаева Л.Р., Ишназаров А.И., Нуруллаева Ш., Муминова М.А. Эконометрика (ўқув қўлланма). –Т.: ТДИУ, 2007. –187 б.

Ушбу ўқув қўлланмада олий таълимнинг бакалавр босқичидаги иқтисодиёт йўналишидаги барча мутахассисликлар учун “Эконометрик а” фанининг тасдиқланган намунавий ўқув дастурига биноан тайёрланган. Қўлланмада ривожланган мамлакатлардаги ёки республикамизда яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалардан фарқли ўларок, ўзбек тилида лотин алифбосида яратилган илк бор нашр етилган ўқув адабиётидир. Қўлланманинг афзаллиги эконометрика тушунчалари, иборалари содда ва талабалар тушунадиган тилда ёзилганлиги, математик тушунчалар ва ифодалар соддалаштирилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодига тегишли ахборотлар кэнг қўлланилганлиги, айрим эконометрик моделлар тахлил қилинганлиги билан ажралиб туради. Қўлланмада бошқа эконометрик адабиётларда кам учрайдиган ковариация, вариация ва корреляция тушунчаларининг моҳияти, иқтисодий тахлилда қўлланилиши, Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисоди учун яратилган эконометрик моделлар, корреляцион ва регрессион тэнгламалар, ишлаб чиқариш функциялари ва улардан яқин келажакка башорат қилиш услублари ҳамда мавсумий тебраниш моделлари равон ва осон тилда тахлил етилган, айрим мисол ва масалалар ечимлари келтирилган.

Интернет ахборот ресурслари

БМИда интернет [46-54] бошқа сайт ва порталларидаги ахборот ресурсларидаги маълумотлардан фойдаланилди.

Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори саръатлар билан ўсди².

И.Каримов

2-боб. ПАЙАРИҚ ТУМАНИДА МЕВА –САБЗАВОТ ВА УЗУМ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Пайариқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлашда қишлоқ хўжалигидаги тармоғидагидаги иқтисодий ислоҳатларнинг аҳамияти

Даставвал Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳатлар натижасида эришилаётган натижаларга тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг ташкилий, ҳуқуқий асослари яратилди. Шу билан бирга охириги 10 йиллик давомида тармоқда ишлаб чиқариш 5,9 %га ўсди, яъни 2010 йили қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш 106,8 % га етди, мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2010 йили 17,5 %ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини 59,4 % ни деҳқончилик маҳсулотлари ва 40,6 % чорвачилик маҳсулотларини ташкил этди.


Хўжаликлар буйича қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида деҳқон хўжаликлари 62,9 %, 35 % фермер хўжаликлари ва 2,1 % бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига тўғри келмоқда. Бугунги кунга келиб фермер ва деҳқон хўжаликлари тамонидан асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ушбу хўжалик юритиш шакллари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг самарали фаолият

² Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги боқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза/И.А.Каримов.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. -36 б.

юртишини таъминлаш мақсадида турли хил хизмат кўрсатиш ва таъминот инфратузилма субъектлари ташкил этилди.

Ислохотларнинг кейинги босқичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажмини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигига кўрсатилаётган хизматлар таннархини камайтириш ва сифатини ошириш асосий вазифалардан булиши лозим деб қаралмоқда.

2010 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 17,5 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳолининг 25,5 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш республикамизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Бунга Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ўсиш кўрсаткичлари келтирилган диаграммаси маълумотлардан ҳам ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.



1-расм. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ўсиш кўрсаткичларини диаграммаси

Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги боқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг мажлисидаги маърузада қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: “... аввало, мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2011 йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилгани, балки ортиғи билан бажарилганини таъкидлаш ўринлидир” [15].

Энди Пайариқ тумани оид айрим маълумотларни келтириб ўтамиз. Туман 1926 йил 29-сентябр да ташкил топган.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ тумани пахта, ғалла, мева-сабзавот ва узумчилик, пиллачилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Туманнинг умумий майдони 87102 кв.км ни ташкил қилади (1-жадвал). Туман Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Фориш туманлари, ҳамда Самарқанд вилоятининг Нуробод, Иштихон, Жомбой ва Қўшработ туманлари ҳудудлари билан чегарадош ҳисобланади.

Пайариқ туманининг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони 58367 гектарни ташкил қилади. Шунингдек, туман бўйича: яйловлар-7608, жами ҳайдаладиган ерлар – 46528, суғориладиган ерлар -42679, лалмикор ерлар-3849, кўп йиллик дарахтзорлар- 4232 , шу жумладан мевали боғлар – 1903 гектарни ташкил қилади.

Бозор иқтисодиёти эски, самарасиз хўжалик юритиш механизми урнига бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган махсус чора-тадбирлар тизими рақобат муҳитини яратади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари тамойилларига амал қилган ҳолда ривожланаётган мамлакатлар тажрибасига кўра, рақобат муносабатларини ривожлантириш анча мураккаб ва узоқ даврни олувчи жараён ҳисобланади.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, янги замонавий интенсив агротехнологияларни қўллаш натижасида 2015 йилга бориб бошоқли дон

етиштириш ҳажмини 10, мева етиштириш ҳажмини 72, сабзавот ва картошка етиштириш ҳажмини 38 % ошириш кўзда тутилмоқда³»


1-жадвал.

Пайариқ туманнинг умумий ҳудуди ва ер майдони ҳақида маълумотлар

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	йиллар:		
			2008 йил	2009 йил	2010 йил
1.1	Туманнинг умумий майдони (ер майдони)	кв км.	87102	87102	87102
	шу жумладан	га			
	Чегаранинг умумий узунлиги	км	276,6	276,6	276,6
	Шу жумладан бошқа худудлар билан:				
	Жиззах вилояти	км	103,4	103,4	103,4
	Нуробод тумани	км	28,6	28,6	28,6
	Иштихон тумани	км	34,7	34,7	34,7
	Жомбой тумани	км	39,5	39,5	39,5
	Қўшработ тумани	км	70,4	70,4	70,4
1.2	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар	га	58367	58367	58367
	Яйловлар	га	7607	7607	7607
	Хайдаладиган ерлар жами	га	46528	46528	46528
	Суғориладиган ерлар	га	42679	42679	42679
	Лалмикор ерлар	га	3849	3849	3849
	Кўп йиллик дарахтзорлар	га	4232	4232	4232
	Шу жумладан мевали боғлар	га	1903	1903	1903

Манба: <http://payariq.samarkand.uz> – Пайариқ тумани ҳокимлиги сайти.

³ www.agro.uz – ЎЗР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти



2-расм. Пайариқ туманини қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг диаграммаси.

2-жадвал

Пайариқ туманининг аҳоли пунктлари ҳақида маълумотлар

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар:		
			2008 йил	2009 йил	2010 йил
	Аҳоли пунктлари сони	бирлик	185	220	220
	шундан:				
1	Шаҳар аҳоли пунктлари сони	бирлик	2	1	1
2	Шаҳарчалар сони (шаҳар типидagi посёлка)	бирлик		9	9
3	Қишлоқ аҳоли пунктлари сони	бирлик	183	210	210
4	Қишлоқ фуқаролар йиғини сони	бирлик	11	11	11
5	Улардан маҳалла йиғинлари сони	бирлик	62	62	62
6	Шундан маош олиб ишлаётган маҳалла кўмиталар раислари сони	бирлик	50	52	53

Манба: <http://payariq.samarkand.uz> – Пайариқ тумани ҳокимлиги сайти.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ тумани дон, мева-узум, сабзавот ва картошка маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер корхоналаридан иборат.

Маълумки, Пайариқ туманида, кейинги йилларда бугдой, пилла, ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу боисдан хўжаликларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, асосан мева ва сабзавот маҳсулотларини Пайариқ ва Самарқанд шаҳарларда реализация қилишга қулай шарт – шароитлар мавжуд.

Бу ферме фермер хўжалигининг Пайариқ туманида нисбатан катта, аҳолиси зинч жойлашган худудларда жойлашган.

2.2. Сабзавот, узум ва мевачилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши ҳақида

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

Бозор иқтисодиёти даврида мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришнинг тез ўсишини таъминловчи омиллардан бири Республика вилоятларининг мева ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган зоналари бўйича мевали дарахт ва токзорларни тур ва навига кўра илмий асосланган ҳолда жойлаштириш, ихтисослаштириш ҳамда уларни замон талаблари асосида такомиллаштириб бориш соҳа олдидаги асосий вазифалардан ҳисобланса, набатдагиси – ишлаб чиқарилган ва қайта ишланган маҳсулотларни сотиш, уларни янги узулган ва қиш мавсумидаги аҳоли эҳтиёжларини ва экспорт қилиш, қайта ишлаш ҳажмларини оптимал нисбатларини аниқлашдан иборат бўлади

Ҳозирги даврда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида бошланган иқтисодий ислохотларни ҳаётга тадбиқ қилишда агросаноат ва агроферма каби тузулмаларни тузишга катта эътибор берилмоқда. Шунини қайд қилиш лозимки, бу тузилмалар таркибига кирган ёки бошқа мустақил субъект сифатида фаолият кўрсатаётган мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти, шу зона, туман, хўжалик

худудларида жойлашган боғ-токзорларнинг тур-навлари бўйича таркибига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида, қайта ишлаш корхонаси, ишлаб чиқарадиган маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжга қараб, у ёки бу ишлаб чиқариш технологиясини замонавий талаблар асосида ўзгартириб бориши мумкин. Лекин, қайта ишлаш корхоналари қанчалик замонавий технологиялар билан таъминланганлигидан қатъий назар, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг сифати, истеъмол бозоридаги харидоргирлиги ва рақобатбардошлиги, қайта ишлашга топшириладиган мева-узумларнинг хилма-хиллиги ва сифатига боғлиқ бўлади.

Бу жараёнларда - қайта ишланган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг сифати ва рақобатбардошлиги, қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларида юзага келадиган у ёки бу талабларига биноан тез мослашувчан илғор технологияларини жорий этилиши, соҳанинг истиқболда барқарор ва самарали ривожланишини таъминлайди. Мева-сабзавот ва узум ишлаб чиқариш, ҳамда уларнинг қайта ишланган маҳсулотлари ҳажм кўрсаткичларини ўсишини - уларнинг сифат билан уйғунлашган бўлиши лозим, чунки етиштирилган маҳсулотларнинг сифати бозорда нарх-навони белгилайди, соҳанинг иқтисодий натижаларга ўз таъсирини ўтказди. Мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, мева-узумларнинг тур навларини рационал жойлаштириш, қайта ишлаш корхоналарининг табиий-иқтисодий ихтисослашув зоналарида концентрациялашуви ер, моддий, меҳнат ва маблағ ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик Республика қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Бу соҳа олдида Республикамиз аҳолисини сифатли мева ва узум маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси туради.

Республикамизда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохатларни амалга ошириш 2006 йилнинг январь ойидан бошланди,

жумладан, мамлакатимизда соҳага оид қуйидаги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди [6-7]:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2 (190)- сон, 2006 йил. 3-5 б.].

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

3. Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ. (Низом Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 18 январдаги 13-сон буйруғи билан тасдиқланган).

Қабул қилинган фармонда қуйидагилар мамлакатда мева-сабзавот маҳсулоти ва узум етиштириш ва уни комплекс қайта ишлашни ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, шунингдек зарур экспорт базасини яратишнинг энг муҳим шартлари деб ҳисобланади:

“а) тармоққа бозор иқтисодиёти тамойиллари ва нормаларини ҳамда шартнома муносабатларини жорий этиш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)ни Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни талабларига қаътий мувофиқ равишда, мавжуд ихтисослашувни сақлаган ҳолда фермер хўжаликларини қайта ташкил қилиш;

б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, ўз меҳнати натижалари, етиштирилган маҳсулот ва даромадларни тасарруф этишда фермерларнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш, шунингдек шартнома мажбуриятларини бажариш ва ер-ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун уларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини ошириш;

в) фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг тез мослашувчан замонавий кичик технологияларидан

фойдаланадиган, шу жумладан хорижий инвесторларининг иштирокидаги агросаноат фирмаларини ихтиёрийлик асосида шакллантириш, мавжуд қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, мева-сабзавот маҳсулотларини экспортини кенгайтириш;

г) тугатилаётган ширкатлар ҳудудида зарур ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси – муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиш пунктлари, мини-банклар, турли тара идишлар ишлаб чиқариш ва сотиш пунктлари барпо этиш”.

Мазкур фармонида кўрсатиб ўтилган мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

- мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари), мавжуд ихтисослашувни сақланган ҳолда фермер хўжаликлари этиб қайта ташкил қилиниши асосида мулкчилик шакли ўзгартириш;

- ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий бозор инфратузилмаси барпо этиш;

- муайян ҳудуд доирасида (ихтиёрийлик асосида) истиқболда соҳани самарали ривожланиши таъминлайдиган агросаноат ва агрофирма тузилмалари фаолияти шакллантириш;

- Республика аҳолисини сифатли мева-сабзавот, узум ва унинг қайта ишланган маҳсулотларига бўлган талабини қондириш. Ички ва ташқи бозор талаб ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиб бориш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кенгайтириш.

“Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга ва унга асосан қабул қилинган тегишли қарорини бажариш бўйича 2006 йилда республикада мавжуд 219 та мевачилик, сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизида 36579 та фермер хўжаликлари

ташкил этилди. Ташкил қилинган янги фермер хўжаликларига 295131 га экин майдони ажратилди.

Пайариқ тумани фермер хўжаликларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, асосан мева ва сабзавот маҳсулотларини Пайариқ ва Самарқанд шаҳарларда реализация қилишга қулай шарт – шароитлар мавжуд.

3-жадвал.

Пайариқ туманини мева-узум ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳақида маълумот (2010 й)

Кўрсаткичлар номи	Фермер хўжаликлар сони	умумий ер майдони	Экин ерлари			Кўп йиллик дарахтзорлар				
			жами	шундан		жами	шундан			
				сувли	лалми		боғлар	узумзорлар	тутзорлар	бошқа кўп йиллик дарахтзорлар
боғдорчилик узумчилик	206	2188	118	18	101	1901	459	1440	2	0
сабзавот- полизчилик	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Манба. Пайариқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Пайариқ туманидаги хўжаликлар буғдой, мева-узум ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришга жуда қулай булган об-ҳаво иқлим шароитларига эга. Пайариқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари кўра 2011 йил январь ҳолатида туманда 206 та мева-узум ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Бу фермер хўжаликларига ажратилган умумий ер майдони 2188 гектарни ташкил қилади. Унинг 459 гектари боғлар, 1440 гектари тоқзорларни ташкил қилади. Энди Пайариқ туманида мева-сабзавот ва узум етиштириш

бўйича айрим иқтисодий кўрсаткичларни келтириб ўтамиз. Бунда Самарқанд вилоят кишлок ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосланамиз:

Узум етиштириш бўйича:

1) Токзорлар майдони 2011 йилда 2325 гектарни ташкил қилган.

2) Токзорларнинг ўртача ҳосилдорлиги 2011 йилда гектаридан 120,1 ц ни ташкил қилган. Токзорлар ҳосилдорлиги бўйича 2010 йилга нисбатан гектаридан ўртача 52,6 ц дан узум ҳосили олинган, олдинги йилга нисбатан ўсиш 77,9 фоизни ташкил қилган.

3) Туман бўйича токзорлардан олинган ялпи узум ҳосили 2010 йилда 15694 тоннани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 12223 тоннага ёки 77,9 фоизга ўсиб 27917 тоннани ташкил қилган.

4) Туманда узум ишлаб чиқариш харажатларини ўсиши кузатилмоқда. Масалан, узум ишлаб чиқариш харажатлари 2010 йилда 4 млрд. 281 мил. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилга келиб 3 млрд. 978 минг сўмга ёки 92,9 % га кўпайиб 8 млрд. 259 млн сўмни ташкил қилган.

5) Узум сотишдан олинадиган даромад 2010 йилда 5 млрд. 492 млн сўмни, 2010 йилда эса 11 млрд. 167 млн сўмни ташкил қилган. Олдинги йилга нисбатан ўсиш 103,3 фоизни ёки 5 млрд. 675 млн. сўмни ташкил қилган.

6) Узумчилик рентабелли сохалардан ҳисобланади. Узум маҳсулотларни реализация қилишдан олинган жами фойда 2010 йилда 1 млрд. 211 млн сўмни ташкил қилган бўлса, бу курсаткич 2011 йилга келиб 1 млрд. 697 млн ёки 1,4 мартта кўпайиб 2 млрд. 908 млн. сўмни ташкил қилган.

7) Узумчилик рентабеллиги 2010 йилда 28,3 % ни, 2011 йилда эса 35,2 % ни ташкил қилган. Рентабелликнинг ўзгариши 6,9 пунктни ташкил қилган.

Юқорида келтирилган таҳлилларни ёзишда БМИ келтирилаётган 6 жадвал маълумотларига асосланилди. Шунингдек БМИда сабзавот (4-жадвал) ва мева (8-жадвал) бўйича жадвалли иқтисодий таҳлиллар амалга оширилган.

Бажарилган қисқача таҳлиллар туманида мева-сабзавот ва узум етиштириш рентабелли эканлигидан далолат беради.

2.3. Пайариқ туман хўжалик корхоналарида сабзавот, узум ва мева ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичларини ва маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг таҳлили

Маълумки, Республикамизда ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликнинг турли туман шакллари, иқтисодий манфаатлари ва уларни амалга ошириш шароитларида хўжалик юритишнинг турли туман шакллари асос қилиб олинади. Жумладан, коллектив мулкнинг турли шаклларида фойдаланишга асосланган, ижара корхоналари, коллектив корхоналар, қишлоқ хўжалик корхоналари ва хўжалик уюшмасига тегишли бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини сифатли мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, Республикамизнинг қулай об-ҳаво шароити мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган тармоқларини самарали ривожлантириш имкониятиларини беради.

Пайариқ туманида узумчилик (экин майдони – 2325 га), сабзавотчилик (экин майдони – 1286 га) ва мевачилик (экин майдони – 866 га) пахта ва ғаллачилик соҳаларидан кейин етакчи ўринларда туради.

“Молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили” нинг назарий ва амалий характердаги тушунчалари [28,33,35] адабиётларда атрофлича ёритилган.

“Қишлоқ хўжалик корхоналарини фаолиятининг таҳлили”да жуда кўплаб ҳисоблаш ишларини бажариш зарурияти туғилади.

Бу ҳисоблаш жараёнларини осонлаштириш мақсадида Microsoft Excel да “Сотилган маҳсулот, ц” “1 ц маҳсулот баҳоси, сўм ” ва “1 ц маҳсулот таннархи, сўм” каби бошланғич маълумотлар фойдаланиувчи томонидан киритилганда қолган ҳисоблашларини автоматик тарзда ҳисоблайдиган «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг таҳлили» электрон жадвали яратилди ва ҳисоблаш натижалари 2-жадвалда «Пайариқ тумани қишлоқ хўжалик

корхоналарида сабзавотни сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили» номи келтирилмоқда.

Энди “Қишлоқ хўжалик корхоналарини фаолиятининг таҳлили” нинг назарий ва амалий характердаги тушунчаларига тўхталиб ўтамиз [28].

Иқтисодиётда молиявий натижалар деганда фойда ёки зарар кўрсаткичлари биргаликда тушунилади. Ушбу кўрсаткичлар даромад ва харажатлар орасидаги фарқ тариқасида аниқланади.

Даромадлар ҳажми харажатларга нисбатан кўп бўлса, ораликдаги фарқ фойдани билдиради, аксинча бўлса зарарни билдиради.

Фойда қанча кўп бўлса, корхона иқтисодий жиҳатдан шунга мустаҳкам бўлади. Фойда ошган сайин корхонанинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиб, тўловга кодирлиги ошиб боради, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш даражаси яхшиланиб боради, оқибатда ишлаб чиғаришни кенгайтириш, ривожлантириш, моддий неъматни яратувчиларнинг моддий манфаатдорлиги даражасини ошириш каби ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун шароит яратилади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини фойдали юритиш учун ҳаракат қилиши керак. Фойдали фаолият кўрсатиш учун иқтисодий таҳлилни самарали ташкил қилиш талаб этилади, чунки фойдани кўпайтириш ва зарарни йўқотиш учун зарур бўлган имкониятларни фақат таҳлил орқали аниқлаш мумкин.

Таҳлилнинг мақсади-фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари динамикасини чуқур ўрганиш ва омилли таҳлил қилиш асосида уларни янада кўпайтириш ва ошириш имкониятларини аниқлашдан иборат. Шулардан бири фойда ва рентабелликни ошириш имкониятларини кўрсатиш.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг асосий манбалари бўлиб, бизнес – режа, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш тўғрисидаги ҳисобот ҳамда бухгалтерия ҳисобининг молиявий натижаларини акс эттирувчи счётлари маълумотлари ҳисобланади.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллиги. Буни (R_{mp}) аниқлаш учун маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойдани ($Яф$) 100 фоизга кўпайтириб, сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига ($ТН$) бўлиш керак [28]:

$$R_{mp} = (Ялпи\ фойда * 100) / таннарх.$$

Бу рентабеллик харажатлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичдир, яъни 1 сўмлик қилинган харажатга қанча фойда олганлигини кўрсатади.

Ҳисобот йилидаги ялпи фойда ҳажмини бизнес-режа бўйича кўзда тутилган фойдага ёки базис йилидаги фойда суммасига солиштириб, унинг мутлоқ ва нисбий миқдорлардаги ўзгариши аниқланади. Бошқача айтганда ҳисобот йилидаги фойдадан базис йилидаги ёки режалаштирилган фойда суммасини айириб, унинг ўзгариши (кўпайганлиги ва камайганлиги) аниқланади.

Ҳисобот йилида ҳар бир маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойданинг базис йилига нисбатан ўзгаришини (кўпайишини ёки камайишини) қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

$$(q_1 p_1 - q_1 z_1) - (q_0 p_0 - q_0 z_0) = \pm \Delta_{qprz}$$

Бу ерда, q_1, q_0 – мос ҳолда 2011 ва 2010 йилларида сотилган маҳсулот миқдори;

p_1, p_0 –мос ҳолда 2011 ва 2010 йилларида сотилган 1 ц. маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси.

z_1, z_0 – мос ҳолда 2011 ва 2010 йилларида сотилган 1 ц маҳсулотнинг таннархи.

Ушбу келтирилган формуладан кўриниб турибдики, маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойданинг ўзгаришига бевосита қуйидаги уч омил таъсир қилади:

- 1) Сотилган маҳсулот миқдорининг ўзгариши ($q_1 - q_0$);
- 2) 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши ($p_1 - p_0$);
- 3) 1 ц маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши ($z_1 - z_0$).

Пайариқ туман хўжалик корхоналарида сабзаёт ишлаб чиқаришни иқтисодий
кўрсаткичлари ва молиявий натижалари

Т/р	Кўрсаткичлар	2009й	2010й	2011й	2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш	
					Мутлоқ, (+/-)	Нисбий, (%)
Ишлаб чиқариш						
1	Экин майдони, га	1573	1540	1286	-254	83,5
2	Ҳосилдорлик, ц/га	282,3	354,3	227,6	-126,7	64,2
3	Ялпи ҳосил, т.	44406	54562	29275	-25287	53,7
Молиявий натижалар						
4	Жами харажатлар, млн.с.	5192	6763	5039	-1724	74,5
5	Пул тушуми, млн.с.	6660	8999	6597	-2402	73,3
6	Фойда, млн.с.	1468	2236	1558	-678	69,7
7	Рентабеллик, %	28,3	33,1	30,9	-2,1 пунктга камайган	
8	1 ц маҳсулот таннархи, сум	11692	123951	172126	48176	138,9
9	1 ц маҳсулотни сотиш баҳоси, сум	14998	164932	225346	60414	136,6
10	1 ц маҳсулотни сотиш олинган фойда, сум	3306	4098	5322	1224	129,9

Манба. Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари
асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

5-жадвал.

Пайариқ тумани қишлоқ хўжалик корхоналарида сабзавотни сотишдан олинган
ялпи фойданинг омилли таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	Ўзгариши (+,-)
1	Сотилган маҳсулот , ц	545620	292750	-252870
2	1 ц сабзавотни сотиш баҳоси, сўм	164932	225346	60414
3	1 ц сабзавотни таннархи, сўм	123951	172126	48176
4	1 ц сабзавотнинг фойдаси, сум	4098	5322	1224
5	Сабзавотни сотишдан олинган ялпи фойда (зарар), м. с.	2236000	1558000	-678000
	Шу жумладан ўзгариши:			
	5.1 Сотилган сабзавотнинг микдорининг ўзгариши ҳисобига , м.с.	x	x	-10362840,8
	5.2. 1 ц сабзавотнинг сотиш баҳосининг ўзгариши ҳисобига,м.с.	x	x	17686263,2
	5.3. 1 ц сабзавот таннархининг ўзгариши ҳисобига, м.с.	x	x	-14103422,3

Манба. Пайариқ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари
асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ялпи фойданинг ўзгаришига омилларнинг таъсирини «Кўрсаткичлар фарқи» ва «Занжирли боғланиш» усуллари ёрдамида аниқлаймиз.

«Пайариқ тумани қишлоқ хўжалик корхоналарида сабзавотни сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили»ни амалга оширамыз:

Туманда 2011 йилда 2010 йилга нисбатан сабзавотни сотишдан 678 млн. сўм зарар кўрилган. У қуйидаги омиллар ҳисобига юз берган (5-жадвал):

1) **Сотилган сабзавотни маҳсулоти миқдорининг ялпи фойданинг ўзгаришига таъсирини аниқлаймиз.** Ялпи фойданинг ўзгаришига сотилган сабзавот миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 2011 ва 2010 йилларида сотилган сабзавот миқдорлари орасидаги фарқни 2010 йилида 1 ц сабзавотни сотишдан олинган фойда суммасига кўпайтириб аниқланади [25]:

$$(q_1 - q_0) \cdot (p_0 - z_0) = -10362840,8 \text{ минг сўм.}$$

Иқтисодий мазмуни. Туман бўйича 2011 йилда 2010 йилига нисбатан туман бўйича сотилган сабзавот ҳажмининг 252870 ц. га камайиши натижасида сабзавотни сотишдан олинган ялпи фойда суммаси 2010 йилга нисбатан 10 миллиард 362 млн 840,8 минг сўмга камайган. Туманда, сотилган сабзавот ҳажмининг камайиши фойданинг ўзгаришига салбий таъсир қилган. Туман бўйича сотилган сабзавот миқдори камайиши олинган фойдани камайишига олиб келган.

2) **1 ц сабзавотнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгаришини ялпи фойданинг ўзгаришига таъсирини аниқлаймиз.** Туман бўйича 1 ц сабзавотнинг ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 2011 ва 2010 йилларидаги ўртача сотиш баҳолари орасидаги фарқни ҳисобот йилида сотилган сабзавотнинг ҳақиқий миқдорига кўпайтирилиб аниқланади:

$$(p_1 - p_0) \cdot q_1 = 17686263,2 \text{ минг сўм.}$$

Иқтисодий мазмуни. Туман бўйича 2011 йилда 1 ц сабзавотнинг ўртача сотиш баҳосининг 2010 йилга нисбатан 60414 сўмга ошган, ялпи фойда суммаси эса 17 миллиард 686 млн 263,2 минг сўмга кўпайган. Туман бўйича сабзавотни ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

Пайарик туман хўжалик корхоналарида **узум ишлаб** чиқаришни иқтисодий
кўрсаткичлари ва молиявий натижалари

Т/р	Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш	
					Мутлоқ, (+/-)	Нисбий, (%)
Ишлаб чиқариш						
1	Экин майдони, га	2325	2325	2325	0	100,0
2	Ҳосилдорлик, ц/га	96,5	67,5	120,1	52,6	177,9
3	Ялпи ҳосил, т.	22436	15694	27917	12223	177,9
Молиявий натижалар						
4	Жами харажатлар, млн.с.	5806	4281	8259	3978	192,9
5	Пул тушуми, млн.с.	7293	5492	11167	5675	203,3
6	Фойда, млн.с.	1487	1211	2908	1697	240,1
7	Рентабеллик, %	25,6	28,3	35,2	6,9 пунктга ўсган	
8	1 ц маҳсулот таннархи, сум	25878	272779	295841	23062	108,5
9	1 ц маҳсулотни сотиш баҳоси, сум	32505	349943	400007	50065	114,3
10	1 ц маҳсулотни сотиш олинган фойда, сум	6628	7716	10417	2700	135,0

Манба. Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари
асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Пайариқ тумани қишлоқ хўжалик корхоналарида узумни сотишдан олинган
ялпи фойданинг омилли таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	2010 й.	2011й.	Ўзгариши (+,-)
1	Сотилган маҳсулот, ц	156940	279170	122230
2	1 ц узумни сотиш баҳоси, сўм	349943	400007	50065
3	1 ц узумни таннархи, сўм	272779	295841	23062
4	1 ц узумнинг фойдаси, сум	7716	10417	2700
5	Узумни сотишдан олинган ялпи фойда (-зарар), м. с.	1211000	2908000	1697000
	Шу жумладан ўзгариши: 5.1 Сотилган узумнинг миқдорининг ўзгариши ҳисобига , м.с.	x	x	9431664
	5.2. 1 ц узумнинг сотиш баҳосининг ўзгариши ҳисобига,м.с.	x	x	13976509
	5.3. 1 ц узум таннархининг ўзгариши ҳисобига, м.с.	x	x	-6438173

Манба. Пайариқ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3) **1 ц маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгаришини ялпи фойданинг ўзгаришига таъсирини аниқлаймиз.** Бунинг учун 2011 ва 2010 йилларидаги 1 ц сабзаот таннархлари орасидаги фарқни ҳисобот йилида сотилган сабзаотнинг ҳақиқий миқдорига кўпайтириб топилади :

$$(z_1 - z_0) \cdot q_1 = - 14\ 103\ 422,3 \text{ минг сўм.}$$

Иқтисодий мазмуни. Туманда 1 ц сабзавот таннархини 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 48176 сўмга ошиши, туманда сабзавотнинг жами ишлаб чиқариш харажатларини 17 миллиард 103 млн 422,3 минг сўмга камайишига олиб келган.

Бу эса ўз навбатида сабзавотдан олинadиган ялпи фойда кўрсаткичига салбий таъсир этиб, уни **17 миллиард 103 млн 422,3 минг сўмга** камайтирган.

«Пайариқ тумани қишлоқ хўжалик корхоналарида узумни сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили» келтирилган 7-жадвал маълумотларидан қуйидаги иқтисодий хулосаларни чиқариш мумкин:

1) Туман бўйича 2011 йилда 2010 йилига нисбатан туман бўйича сотилган узум ҳажмининг 122230ц. га ошиши натижасида узумни сотишдан олинган ялпи фойда суммаси 2010 йилга нисбатан **9 млрд 431 млн 664 минг сўмга** кўпайган. Туманда, сотилган узум ҳажмининг ошиши фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган. Туман бўйича сотилган узум миқдори ошиши олинadиган фойдани ошишига олиб келган.

2) Туман бўйича 2011 йилда 1 ц узумнинг ўртача сотиш баҳосининг 2010 йилга нисбатан 50065 сўмга ошган, ялпи фойда суммаси эса 13 млрд. 976 млн 509 минг сўмга кўпайган. Туман бўйича узумни ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

3) Туманда 1 ц узум таннархини 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 23062 сўмга ошиши, туманда узумнинг жами ишлаб чиқариш харажатлари 6 млрд 438 млн 173 минг сўмга кўпайишига олиб келган.

Энди «Пайариқ тумани қишлоқ хўжалик корхоналарида мевани сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили» келтирилган 9-жадвал маълумотларини таҳлил қиламиз. Пайариқ тумани бўйича мевани сотишдан олинган ялпи фойда 700 млн. с. ни ташкил қилган. У қуйидаги омиллар ҳисобига юзага келган (9-жадвал):

1) Туман бўйича 2011 йилда 2010 йилига нисбатан туман бўйича сотилган мева ҳажмининг 45510 ц. га ошиши натижасида мевани сотишдан олинган ялпи фойда суммаси 2010 йилга нисбатан 2 млрд 977 млн 731 минг сўмга кўпайган.

Туманда, сотилган мева ҳажмининг ошиши фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

8-жадвал

Пайариқ туман хўжалик корхоналарида **мева** ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичлари ва молиявий натижалари

Т/р	Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш	
					Мутлоқ, (+/-)	Нисбий, (%)
Ишлаб чиқариш						
1	Экин майдони, га	816	816	866	50	106,1
2	Ҳосилдорлик, ц/га	94	82,6	130,4	47,8	157,9
3	Ялпи ҳосил, т.	7670	6740	11291	4551	167,5
Молиявий натижалар						
4	Жами харажатлар, млн.с.	1453	1278	2924	1646	228,8
5	Пул тушуми, млн.с.	1955	1719	4065	2346	236,5
6	Фойда (-зарар), млн.с.	502	441	1141	700	258,7
7	Рентабеллик, %	34,5	34,5	39,0	4,5 пунктга ўсган	
8	1 ц маҳсулот таннари, сум	189614	258967	69353	136,6	189614
9	1 ц маҳсулотни сотиш баҳоси, сум	255045	360021	104977	141,2	255045
12	1 ц маҳсулотни сотиш баҳоси, сум	6543	10105	3562	154,4	6543

Манба. Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

9-жадвал.

Пайариқ тумани қишлоқ хўжалик корхоналарида мевани сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й	Ўзгариши (+, -)
1	Сотилган маҳсулот , ц	67400	112910	45510
2	1 ц мевани сотиш баҳоси, сўм	255045	360021	104977
3	1 ц сабзаёт таннархи, сўм	189614	258967	69353
4	1 ц меванинг фойдаси, сум	6543	10105	3562
5	Мевани сотишдан олинган ялпи фойда (-зарар), м. с.	441000	1141000	700000
	Шу жумладан ўзгариши: 5.1 Сотилган меванинг миқдорининг ўзгариши ҳисобига , м.с.	x	x	2977731,5
	5.2. 1 ц меванинг сотиш баҳосининг ўзгариши ҳисобига, м.с.	x	x	11852924,3
	5.3. 1 ц мева таннархининг ўзгариши ҳисобига, м.с.	x	x	-7830655,8

Манба. Пайариқ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2) Туман бўйича 2011 йилда 1 ц узумнинг ўртача сотиш баҳосининг 2010 йилга нисбатан **3562** сўмга ошган, ялпи фойда суммаси эса 11 млрд. 852 млн 924 минг сўмга кўпайган. Туман бўйича узумни ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

3) Туманда 1 ц узум таннархини 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 3562 сўмга ошиши, туманда узумнинг жами ишлаб чиқариш харажатлари **-7 млрд 830 млн 656** минг сўмга кўпайишига олиб келган.

3-боб.МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ СТАТИСТИК МАТЕМАТИК УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

3.1.Пайариқ туманда сотилган сабзавот, узум ва мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш рентабеллигини статистик таҳлили

Иқтисодий таҳлил предмети бўлиб субъектив ички омиллар таъсири остида шаклланган хўжалик фаолияти ва унинг пировард натижалари ҳам ҳисобланади. Ички омиллар инсон фаолияти билан боғлиқ бўлгани учун иқтисодий таҳлилда унга катта аҳамият берилади. Хўжалик фаолиятини моҳирона бошқариш объектив шароит ва объектив омиллардан тўғри фойдаланиб, бизнес-режани тўла бажариш имкониятини яратади.

Пайариқ тумани қишлоқ хўжалик корхоналарида сотилган сабзавот ва узум ва мева маҳсулотларининг рентабеллигини таҳлил қилишга ўтамиз. Туман бўйича сотилган сабзавот, мева узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллигини таҳлил қилишда биз [28,33,35] адабиёт ва ўқув қўлланмаларда баён қилинган назарий ва амалий тушунчаларга асосланган ҳолда иш кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоладик. Институтимизнинг етакчи иқтисодчи олими Т.Қудратов томонидан ёзилган [28] ўқув қўлланмани 9-боби “Молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили” деб

номланди. Бу кулланмада мавзу буйича қуйидаги назарий ва амалий тушунчалар ёритилган⁴.

Фойда хўжаликнинг пировард молиявий натижасини мутлоқ кўрсаткичда ифодаласа, рентабеллик ушбу натижани нисбий кўрсаткичда ифодалайди. Самарадорликка баҳо беришдаги асосий кўрсаткич бўлиб, рентабеллик ҳисобланади.

Даставвал рентабеллик тушунчасини асосий таснифларини келтирамиз. Рентабеллик деганда фойдалилик, даромадлилик даражаси тушунилади. Ресурсларга, капиталларга, ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан олинган фойда ҳажми тушунилади. 1 сўмлик асосий фондлар ҳисобига ёки 1 сўмлик хусусий капитал ҳисобига ёки 1 сўмлик харажат ҳисобига олинган фойда ҳажмини ифодаловчи кўрсаткич тушунилади.

Ушбу кўрсаткич рентабеллик коэффиценти деб ҳам аталади.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллигини аниқлаш учун олинган ялпи фойда суммасини 100% га кўпайтириб, маҳсулот таннархига бўлинади.. Биз бу ерда маҳсулот бир бирлиги билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар асосида рентабелликни ҳисобладик ва унинг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқладик. Ушбу ҳолатда сотилган маҳсулотлар рентабеллигини қуйидаги формула билан

ҳисоблаш мумкин[28]:

$$R = \frac{P - Z}{Z} [1]$$

бунда, P - 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм ҳисобида;

Z- 1 ц маҳсулотнинг ўртача таннархи, сўм ҳисобида;

P-Z 1 ц маҳсулотни сотишдан олинган фойда, сўм ҳисобида.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, сотилган маҳсулот рентабеллиги даражасининг ўзгаришига икки омил таъсир қилади:

1. Ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши;
2. 1 ц маҳсулот таннархининг ўзгариши.

⁴ Қудратов Т.,Файзиева Н. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. – Самарқанд: Н-Доба, 2010. – 271 б.

Рентабелликнинг ўзгаришига ушбу омилларнинг таъсирини «Занжирли боғланиш» усулидан фойдаланиб аниқлаш қулайроқдир. Унда қуйидаги белгилашлар қўлланилади:

Бу ерда, q_1, q_0 – мос ҳолда 2011 ва 2010 йилларида сотилган маҳсулот миқдори;

p_1, p_0 –мос ҳолда 2011 ва 2010 йилларида сотилган 1 ц. маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси.

z_1, z_0 – мос ҳолда 2011 ва 2010 йилларида сотилган 1 ц маҳсулотнинг таннархи.

Таҳлил таққослашдан бошланади, яъни 2011 ҳисобот йилидаги рентабеллик даражасини 2010 базис йилидаги рентабеллик даражасига солиштириб, умумий ўзгариши аниқланади [28]:

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_{PZ} \quad [2]$$

Ушбу ўзгаришга омиллар таъсирини аниқлашдан олдин «Шартли рентабеллик даражаси» аниқланади. Буни қуйидаги формуладан фойдаланиб,

аниқлаш мумкин:
$$P_{ш} = \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} \quad [3]$$

Шундан сўнг рентабеллик даражасининг ўзгаришига омиллар таъсирини аниқлаш мумкин.

1) «Ўртача сотиш баҳоси ўзгариши»нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун шартли рентабеллик даражасидан базис давридаги рентабеллик даражасини чегириб ташланади, яъни :

$$\frac{P_1 - Z_0}{Z_0} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_P \quad [4]$$

2) «1 ц маҳсулот таннархи ўзгариши» нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилидаги рентабеллик даражасидан шартли рентабеллик даражасини чегириб ташланади , яъни:

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_Z \quad [5]$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси сотилган маҳсулотлар рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta_{PZ} = \Delta_P \pm \Delta_Z \quad [6]$$

Энди, юқорида келтирилган таҳлил усулидан фойдаланиб, Пастдарғом тумани қишлоқ хўжалик корхоналарида сотилган сабзавот бўйича унинг рентабеллигининг омилли таҳлилини кўриб чиқамиз. Ҳисоблаш жараёнларини осонлаштириш мақсадида Microsoft Excel жадвалида юқорида келтирилган «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг таҳлили»ни электрон жадвали тузилди. 7-жадвалдаги маълумотлар асосида сабзавотчилик рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришини [2] формула

ёрдамида аниқлаймиз:
$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_{PZ} = -2,1 \%$$

Олинган натижа қуйидаги мазмунга эга бўлади: 1 сўмлик харажат ҳисобига 2010 базис йилида 33,1 тийинлик, 2011 ҳисобот йилида 30,9 тийинлик фойда олинган, яъни 1 сўмлик сотилган сабзавот харажати ҳисобига олинган фойда таҳлил қилинаётган даврда 2,2 тийинга ёки 2,2% га камайганини англатади.

Ушбу ўзгариш баҳонинг ижобий, таннархнинг салбий таъсири остида пайдо бўлган. Ўртача сотиш баҳоси 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 6041 сўмга ошган. Энди «Ўртача сотиш баҳоси ўзгариши» нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлашга ўтамиз.

Бу омил ҳисобига рентабеллик даражасини ўзгаришини [4] формула

орқали ҳисобланади, яъни[28]:
$$\frac{P_1 - Z_0}{Z_0} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = 48,7 \%$$

Ҳисоблаш натижаси шу омил ҳисобига рентабеллик даражасини 48,7% га ошганини англатади.

Энди таннархнинг 4817 сўмга ошиши рентабеллик даражасига қандай таъсир қилганлигини аниқлашга ўтамиз.

Пайариқ тумани хўжаликларида сабзавотни сотиш бўйича рентабелликнинг
омилли таҳлили (2010-2011 йиллар)

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилида ўртача баҳо ва базис йилидаги ўртача таннархи бўйича	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Шу жумладан ўзгариши	
					баҳо ҳисобига	таннарх ҳисобига
1 ц сабзавотнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	164932	225346	225346	60414	х	х
1 ц сабзавотнинг ўртача таннархи, сўм	123951	123951	172131	48180	х	х
1 ц сабзавотни сотишдан олинган фойда, сўм	40981	101395	53215	12234	х	х
Рентабеллик даражаси, %	33,1	81,8	30,9	-2,1	48,7	-50,9

Манба. Пайариқ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари
асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Пайариқ тумани хўжаликларида узумни сотиш бўйича рентабелликнинг
омилли таҳлили (2010-2011 йиллар)

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилида ўртача баҳо ва базис йилидаги ўртача таннархи бўйича	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Шу жумладан ўзгариши	
					баҳо ҳисобига	таннарх ҳисобига
1 ц узумнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	349943	400007	400007	50064	х	х
1 ц узумнинг ўртача таннархи, сўм	272779	272779	295841	23062	х	х
1 ц узумни сотишдан олинган фойда, сўм	77164	127228	104166	27002	х	х
Рентабеллик даражаси, %	28,3	46,6	35,2	6,9	18,4	-11,4

Манба. Пайариқ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари
асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Пайариқ тумани хўжаликларида мевани сотиш бўйича рентабелликнинг
омилли таҳлили (2010-2011 йиллар)

Кўрсаткичлар	Базис йили	Ҳисобот йилида ўртача баҳо ва базис йилидаги ўртача таннархи бўйича	Ҳисобот йили	Ўзгариши (+,-)	Шу жумладан ўзгариши	
					баҳо ҳисобига	таннарх ҳисобига
1 ц меванинг ўртача сотиш баҳоси, сўм	255045	360021	360021	104976	х	х
1 ц меванинг ўртача таннархи, сўм	189614	189614	258967	69353	х	х
1 ц мевани сотишдан олинган фойда, сўм	65431	170407	101054	35623	х	х
Рентабеллик даражаси, %	34,5	89,9	39,0	4,5	55,4	-50,8

Манба. Пайариқ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари
асосида муаллиф томонидан электрон жадвалида ишлаб чиқилган.

1 ц сабзавотнинг ўртача таннархи 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 4817 сўмга ошган. Таннархнинг ошиши фойданинг камайишига, рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келади. Бу жараёни аниқлаш учун [5]

формула орқали ҳисобланади, яъни:
$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = -50,9$$

Демак, таннархнинг 4817 сўмга ошиши рентабеллик даражасига салбий таъсир қилиб, уни 50,9 % га пасайтирган.

Пайариқ тумани хўжаликларида узум сотиш бўйича рентабелликнинг омилли таҳлили 11-жадвалда келтирилмоқда

12-жадвалдаги маълумотлар асосида, Пайариқ туманида узумчиликнинг рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришини [2] формула ёрдамида

аниқлаб, қуйидаги натижага эга бўлдик:
$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = \pm \Delta_{PZ} = 6,9$$

Ҳисоблаш натижасини кўрсатадики, узумчиликда туман бўйича 1 сўмлик харажат ҳисобига 2010 йилида 28,3 тийинлик, 2011 йилида 35,2 тийинлик фойда олинган, яъни 1 сўмлик сотилган узум харажати ҳисобига олинган фойда таҳлил қилинаётган даврда 6,9 тийинга ёки атиги 6,9 % га кўпайганини англатади. Ушбу ўзгариш баҳонинг ижобий, таннархнинг салбий таъсири остида пайдо бўлган. Ўртача сотиш баҳоси 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 5006 сўмга ошган.

Энди «Ўртача сотиш баҳоси ўзгариши» нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлашга ўтамиз. Бу омил ҳисобига рентабеллик даражасини ўзгаришини [4] формула орқали ҳисобланади, яъни:

$$\frac{P_1 - Z_0}{Z_0} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = 18,4\%$$

Ҳисоблаш натижаси шу омил ҳисобига рентабеллик даражасини 18,4 % га ошганини англатади.

Энди таннархнинг 5006 сўмга ошиши рентабеллик даражасига қандай таъсир қилганлигини аниқлашга ўтамиз. Маълумки, 1 ц узумнинг ўртача таннархи 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 5006 сўмга ошган. Таннархнинг

ошиши фойданинг камайишига, рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келади.

Бу [5] формула орқали ҳисобланади, яъни:
$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = - 11,4\%$$

Олинган натижа таннархнинг 5006 сўмга ошиши рентабеллик даражасига салбий таъсир қилиб, уни 11,4% га пасайтирганлигини англатади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, туманда сабзаот, узум ва меванинг рентабеллигини оширишнинг асосий резерви бўлиб, баҳони маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига кўтариш ва таннархни нисбатан пасайтириш ҳисобланади. Агар таннарх ҳисобот йилида нисбатан пасайганда рентабеллик пасайиш ўрнига ошган бўлар эди, оқибатда фойдалилик ошган бўлар эди. Юқорида қилинган таҳлиллар [24]: « Рентабеллик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ўзида акс эттирувчи умумлашган кўрсаткич ҳисобланади. У фойдаланилган ва истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари – меҳнат, ер-сув моддий ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш харажатлари етиштирилган маҳсулотдан олинган самаранинг миқдо ва сифатини, ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилган тарзда ривожлантириш имкониятини моддий манфаатдорлигини акс эттиради»

3.2. Эконометрик моделлар ва уларнинг асосий тушунчалари

Энди қишлоқ хўжалиги тармоқларини ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилишда математик усулларни, яъни статистик ва эконометрик таҳлил усулларини назарий ва амалий тушунчаларига тўхталамиз.

БМИда фойдаланилган адабиётлар рўйхатида тақдим этилаётган [26, 28, 30, 33, 35, 36, 37-39, 45] адабиётларда: оптималлаштириш, статистик ва эконометрик таҳлил усуллариларда атрофлича ёритилган. Бунинг учун иқтисодий таҳлилнинг математик усуллари ёрдамида хўжалик механизминини бошқариш асбобларидан (инструментлари) тўғри фойдаланилади. Субъектив омиллар (ички), уддабуррон раҳбар, ишлаб чиқаришни тўғри-малакали бошқариш, иқтисод,

молия фаолиятини тўғри ташкил қилиш, ўз соҳасини чуқур эгаллаш иқтисодий ва ташкилий тайёргарлик асосларидир

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар ва уларнинг бўлинмаларини фаолиятини чуқур иқтисодий таҳлил қилишда қўлланиладиган энг такомиллашган йўналиш бўлиб, математик усуллардан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилда математик усуллардан фойдаланиш таҳлил қилиш муддатини қисқартириш, тижорат фаолияти натижаларига таъсир этувчи омилларни тўла қамраб олиш, тахминий ва содда ҳисоб-китобларни аниқ ҳисоблашлар билан алмаштириш, таҳлилнинг янги, кўп ўлчамли масалаларини қўйиш ва ечишда қўл меҳнати ва анъанавий усуллар билан амалиётда бажариб бўлмайдиган масалаларни ечиш имконини беради.

Бизнес-режани яратишдаги менежернинг ҳаракатлари ишлаб чиқаришни ташқи муҳит – бозор талабига мослаштиришнинг энг самарали йўналишлари ахтариб топишга имкон беради. Шу билан бизнес-режа устида бажарилган турли амаллар, экспериментлар ва турли вариантлар ҳисоб-китоблари менежерда ўзининг бор билимини ишлаб чиқаришда синаб кўриш ва натижада ўзига тўлиқ ишонч ҳосил қилишга олиб келади.

Корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишда математик усулларни қўллаш қуйидагиларни талаб қилади [26,30,33,45]:

* корхона иқтисодиётини ўрганишга тизимли ёндашиш, унинг турли фаолияти билан боғлиқ бўлган ўзаро алоқаларини барчасини ҳисобга олиш. Бундай шароитларда таҳлилнинг ўзи кибернетик маънода тизимли хусусиятларни ўзида жамлайди, намоён этади;

* иқтисодий таҳлил ёрдамида ечиладиган иқтисодий жараён ва масалаларни миқдорий характеристикаларини ифодаловчи иқтисодий-математик моделлар комплексини тузиш;

* корхона фаолияти билан боғлиқ иқтисодий ахборотлар тизимини такомиллаштириш;

* иқтисодий таҳлил қилиш мақсадида иқтисодий ахборотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишни амалга оширувчи ҳисоблаш техникаси воситаларининг мавжуд бўлиши;

* ишлаб чиқариш билан боғлиқ иқтисодчи, математик моделлаштириш, математик ҳисобчилар, дастурчи-операторлардан ташкил топган махсус аналитиклар жамоасини ташкил этиш.

Объектив ва субъектив омиллар таъсири остида шаклланаётган хўжалик жараёнлари ва уларнинг натижалари мос равишда корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлар тизимида ўз ифодасини топади ва таҳлил предмети ҳисобланади. Маълумотлар тизими тезда ўзгарувчан - динамик характерга эга; улар кириш маълумотлари тўплами, оралиқ қайта ишлаш натижалари, чиқиш маълумотлари ва пировард натижаларни ўз ичига олади ҳамда бошқариш тизимига киради. Бу маълумотларни самарали ташкил этиш ва бошқариладиган маълумотлар оқимини шакллантириш иқтисодий таҳлил ва бошқаришнинг оптимал қарорларини қабул қилишда хизмат қилади

Математик дастурлаш усули замонавий амалий математикани иқтисодиётнинг талабларига мос равишда тезда ривожланиб бораётган бўлими ҳисобланади [26]. Математик дастурлаш усуллари ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятларини оптималлаш масалаларини ечишда асосий воситадир. Ўз мазмунига кўра, бу усуллар оптимал режалаштиришни ҳисоблаш куролидир. Уларни корхона бизнес-режасини тузишда ва бажарилишини иқтисодий таҳлил қилишда қимматлиги шундан иборатки, режалаштирилган вазифаларнинг жиддийлигини асослаш ва баҳолаш имкониятини беради, ишлаб чиқаришни чегаралаб турувчи – лимитлаштирувчи ускуналар гуруҳи, хомашё, материаллар турлари, ишлаб чиқариш омилларининг танқислигини баҳолаб беради. Шу билан бирга тузилган барча вариантлар ичидан мақсадга мос келувчи – энг оптималини танлаш имкониятини беради.

Кўпгина иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришини омилли таҳлили дифференциаллаш ва интеграллаш ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Математик статистика усулларида иқтисодий таҳлилда фойдаланиш кенг тарқалган. Бу усуллар таҳлил қилинаётган кўрсаткичларнинг ўзгариши тасодифий жараён сифатида деб тасаввур қилинадиган ҳолатларда қўлланилади.

Статистик усуллар оммавий, такрорланадиган ҳодисаларни ўрганишда асосий восита бўлиб, натижада аниқланган тенденцияларга таяниб, иқтисодий кўрсаткичларни ўзгаришини башоратлашда муҳим ўрин эгаллайди. Агар таҳлил қилинаётган характеристикалар ўртасидаги боғланиш детерминаллашмаган, балки стохастик бўлса, бунда статистика ва эҳтимоллар моделлари амалда ягона таҳлил воситаси бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилда энг кўп қўлланиладиган математик статистика усулларида жуфт корреляция таҳлили ва кўп омилли корреляция таҳлилдир. Бу усуллар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўлиқ ўрганилиб чиқилган ва иқтисодий адабиётларда ҳар томонлама тўлиқ ёритилган.

Бир ўлчамли статистик тўпламларни ўрганиш учун вариацион қаторлар, тақсимот қонунлари, танлаш усулларида фойдаланилади. Кўп ўлчамли статистик тўпламларни ўрганиш учун назарий статистика курсида ўрганиладиган корреляция, регрессия, дисперсия, ковариация, спектрал, компонент, омилли таҳлиллар турлари қўлланилади [26, 35].

Эконометрика усуллари учта билим соҳалари: иқтисодиёт, математика ва статистика фанларининг синтези асосида қурилади. Эконометриканинг асоси бўлиб иқтисодий-математик моделлар ҳисобланади ва бу маънода иқтисодий ҳодиса ёки жараённинг илмий абстракция ёрдамида ифодаланган схематик кўриниши тушунилади. Моделда иқтисодий ҳодиса ёки жараённинг характерли томонлари ўз ифодасини топади. Замонавий иқтисодиётда энг кенг тарқалган усул – «харажат-ишлаб чиқариш» усулидир. Бу матрицали модел (баланс) бўлиб, шахмат схемаси каби тузилади ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда натижаларини бир мунча қулай кўринишда ифодалаш имконини беради. Ҳисоб-китобларнинг қулайлиги ва иқтисодий талқинларнинг аниқлиги – матрицали моделларнинг асосий хусусиятларидир.

Ишлаб чиқариш, тижорат ва бизнес фаолиятини таҳлил қилиш учун юқоридаги тахминий схемада келтирилган кўпгина усулларнинг амалиётда қўлланиш соҳалари топилмади ва фақат иқтисодий таҳлил назариясида фойдаланиш ишлаб чиқилди. Шу билан бирга кўпгина иқтисодий-математик усуллар иқтисодий таҳлил амалиётида кенг қўлланиб келинмоқда.

Аниқ ечимни олиш белгиси бўйича барча иқтисодий-математик усуллар аниқ ва тақрибий усулларга бўлинади. Агар усул алгоритми берилган оптималлик мезони бўйича ёки у усулсиз фақат ягона ечимни топиш имконини берса, бу усул аниқ усуллар гуруҳига киритилади. Агар ечимни топишда стохастик маълумотлардан фойдаланилса ва масаланинг ечимини ҳар қандай аниқлик даражаси билан топиш мумкин бўлса, фойдаланаётган усул тақрибий усуллар гуруҳига киритилади. Тақрибий усуллар гуруҳига белгиланган оптималлик мезони бўйича ягона ечим олиш кафолатланмаган шароитдаги усуллар ҳам киритилади.

Шундай қилиб, тавсифлашнинг фақат иккита белгисидан фойдаланиб, барча иқтисодий-математик усулларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин [26]:
Оптималлаштирувчи аниқ усуллар; Оптималлаштирувчи тахминий усуллар;
Оптималлаштирилмайдиган аниқ усуллар; Оптималлаштирилмайдиган тахминий усуллар.

3.3. «Облоқулов Ғофур олмазори» фермер хўжалиги маълумотлари асосида эконометрик моделларни тузиш ва олинган натижаларнинг таҳлили


Даставвал Пайариқ тумани Эргаш ўғли Исмоил ММТП га қаршли «Облоқулов Ғофур олмазори» фермер хўжалигига қисқача тасниф берамиз.

Фермер хўжалиги асосан мева етиштиришга ихтисослашган. Фермер хўжалигини умумий майдони 8 гектарни ташкил қилиб, унинг 6,4 гектари боғ ва токзорлар 1,6 гектарига сабзаёт экинларидан помидор экилади. Фермер хўжалиги экин майдонлари бўйича маълумотлар 13-жадвалда ва 1 расмдаги диаграммада келтирилмоқда.

«Облакулов Ғофур олмазори» фермер хўжалигида экин майдонлари хақида
маълумот (га)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	2009й	2010й	2011й	2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш	
					Мутлок, (+/-)	Нисбий, (%)
1	Боғлар	6,1	6,1	6,1	0	100
2.	Токзорлар	0,3	0,3	0,3	0	100
3	Помидор	1,6	1,6	1,6	0	100
	Жами	8	8	8	0	100

Манба. Фермер хўжалиги маълумотлари асосида тайёрланган.



3-расм. «Облакулов Ғофур олмазори» фермер хўжалиги экин майдонларини таркиби (2011 йил).

БМИ мавзусидан келиб чиқиб «Облакулов Ғофур олмазори» фермер хўжалигида помидор ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Фермер хўжалиги бўйича 2012 йилда 1,6 гектар майдонга помидор

экилган. Помидор ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 260 центнерни, ялпи ҳосил 416 центнердан иборат бўлган. Жами помидор ишлаб чиқариш харажатлари 49 млн 437,2 минг сўмни, пул тушуми 57 млн 918,9 минг сўмни, жами фойда 8 млн 481,72 минг сўмни, рентабеллик кўрсаткичи эса 17,2 фоиздан иборат бўлган. «Облақулов Ғофур олмазори» фермер хўжалигида помидор ишлаб чиқаришни иқтисодий кўрсаткичларини таҳлили 14 жадвалда келтирилмоқда.

14-жадвал

«Облақулов Ғофур олмазори» фермер хўжалигида помидор ишлаб чиқаришни
иқтисодий кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар	2009 й	2010й	2011й	2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш	
					Мутлоқ, (+/-)	Нисбий, (%)
1	Экин майдони, га	1,6	1,6	1,6	0,0	100,0
2	Ҳосилдорлик, ц/га	238	264	260	-4,0	98,5
3	Ялпи ҳосил, ц	380,8	422,4	416	-6,4	98,5
4	Жами харажатлар, минг сум	29687	44326	49437,2	5111,6	111,5
5	Пул тушуми, минг сум	34085	49922	57918,9	7997,0	116,0
6	Фойда, минг сум	4398	5596,3	8481,72	2885,4	151,6
7	1 ц маҳсулот таннари, сум	124736	167900	190143	22243,0	113,2
8	1 ц маҳсулотни сотиш баҳоси, сум	143215	189098	222765	33667,0	117,8
9	1 ц маҳсулотни сотиш олинган фойда, сум	18479	21198	32622	11424,0	153,9
10	Рентабеллик, %	14,8	12,6	17,2	4,5пунктга ўсган	

Манба. Фермер хўжалиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Кўп сонли кузатишлар асосида номоён бўладиган ва аниқланадиган бир омилнинг ўзгариши иккинчи омилнинг ўртача қийматини ўзгартиришга олиб келадиган боғланишлар, статистик ёки корреляцион боғланишлар дейилади [32].

Турли ҳил катталикларнинг статистик боғлиқларини ифодалайдиган функцияга регрессия тенгламаси дейилади.

Ўрганилаётган объектнинг иқтисодий ва технологик боғлиқлигини математик ифодаланишига *ишлаб чиқариш функциялари* дейилади.

Ишлаб чиқариш функцияларининг умумий кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин: $Y = f(x_1, x_2, \dots, x_n)$.

Бу ерда, Y -натижавий кўрсаткич; x_1, x_2, \dots, x_n -ишлаб чиқариш омиллари. Улар боғлиқ ўзгарувчилар ҳам деб номланади. Ишлаб чиқариш функциялари, жадвал, график ва аналитик тенглама кўринишда ифодаланган бўлиши мумкин.

Кўп сонли омилларнинг ишлаб чиқариш натижаларига таъсирини корреляцион таҳлил (анализ)га асосланиб ўрганилади. Корреляцион таҳлил - бу математик статистиканинг услублар тупламидан иборат бўлиб, у тадқиқ қилинаётган ходисаларнинг белгилари уртасидаги сонли боғлиқликларни узаро алоқасини ўрганади.

Ишлаб чиқариш функциялар моделларининг ёзилиши, алгебраик тенгламаларнинг (кўринишлари) берилишларига биноан аниқланади. Бундай моделлар регрессия тенгламалари деб юритилади. Регрессия тенгламалари бир ёки бир неча ўзгарувчили бўлиши мумкин. Икки омилли боғланиш, умумий ҳолда қуйидаги чизикли функция кўринишда ифодаланади: $Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2$

Бу ерда: Y - ишлаб чиқариш натижаси; x_1 ва x_2 - ишлаб чиқариш омиллари;

a_0 - ҳисобга олинмаган омилларни ифодаловчи озод ҳад;

a_1, a_2 - регрессия коэффициентлари.

Масаланинг кўйилиши: Фермер хўжалиги бўйича помидор ҳосилдорлиги ва 1 гектар помидор майдонига сарф бўладиган минерал ва органик ўғитлашни статистик кузатиш маълумотлари маълум бўлганда, помидор майдонларини ўртача йиллик ҳосилдорлигини уларни меъёрларига боғлиқлигини ифодаловчи

$Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2$ чизикли эконометрик моделини a_0, a_1 ва a_2 параметрлари аниқлаш аниқлансин

Демак, биздан $Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2$ функция кўринишдаги икки омилли чизикли боғланишни ифодаловчи ишлаб чиқариш функциясини тузиш ва унинг регрессия тенгламасини a_0, a_1 ва a_2 параметрлари аниқлаш мақсад қилиб қуйилади.

Масаланинг ечилиши:

1)Пайариқ тумани «Облоқулов Гофур олмазори» фермер хўжалиги бўйича тайёрланган 15-жадвал маълумотларига кўра помидор ҳосилдорлигини (Y) унинг минерал (x_1) ва органик(x_2) ўғитлашга боғлиқлигини регрессия тенгламасини умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2$$

Бу ерда: Y - ишлаб чиқариш натижаси, помидор ҳосилдорлиги, ц ;

x_1 - ишлаб чиқаришни 1- омили, помидор майдонини минерал ўғитлаш миқдори, ц;

x_2 - ишлаб чиқаришни 2- омили, помидор майдонини органик ўғитлаш миқдори, ц;

a_0 - ҳисобга олинмаган омилларни ифодаловчи озод ҳад;

a_1, a_2 - изланаётган регрессия коэффициентлари.

Фермер хўжалиги бўйича **помидор** ҳосилдорлигини (Y) унинг минерал (x_1) ва органик ўғитлаш (x_2) бўйича маълумотлар 12 жадвалда келтирилмоқда.

Келтирилаётган помидор майдонини ўғитлаш меъёрлари : 1,0 : 0,7 : 0,3 каби нисбатда бўлади


Масалани ЭҲМда **Statistic-XLS5** дастурида ечиш жараёнлари 4-6 расмларда келтирилмоқда. Масалани ЭҲМда **Statistic-XLS5** дастурида ечиш натижасида, фермер хўжалиги бўйича помидор ҳосилдорлигини (Y) унинг минерал (x_1) ва органик ўғитлаш (x_2) миқдорига боғлиқлиги ифодаловчи қуйидаги (6-расм): $Y = 147,664 + 31,075x_1 + 1,359x_2$ тенгламаси олинди.

15-жадвал


Фермер хўжалигида помидор майдонларини ўғитлаш ва ўртача ҳосилдорлик бўйича 2002-2011 йиллар бўйича кўрсаткичлари

Ҳосилдорлик, ц/га	Минерал ўғит сарфи (соф ҳолда) ц	Органик ўғит миқдори, ц	Ўғитлаш меъёри: 1,0 : 0,7 : 0,3			1,0 : 0,7 : 0,3	
			Азот, кг	Фосфор, кг	Калий, кг	Жами, кг	ц
Y	x_1	x_2					
230	2,1	128	100	68	42	210	2,1
227	2,1	120	106	71	33	210	2,1
234	2,3	125	108	77	45	230	2,3
235	2,1	126	104	70	36	210	2,1
240	2	130	100	70	30	200	2
234	2	127	90	70	40	200	2
245	2,3	132	111	77	42	230	2,3
238	2,1	123	97	67	46	210	2,1
264	2,2	126	96	72	32	220	2,2
260	2,2	130	106	76	38	220	2,2


Манба. Фермер хўжалиги маълумотлари асосида тайёрланган.



4-расм. **Statistic-XLS5** дастурига масалани гистограммаси



5-расм. **Statistic-XLS5** дастурида масалани диаграммасини кўриниши



6-расм. **Statistic-XLS5** дастурига масалани ечимини кўриниши

Масалани ЭХМда **Statistic-XLS5** дастурида ечиблиб олинган натижаларининг таҳлили

Демак, фермер хўжалиги бўйича помидор ҳосилдорлигини (Y) унинг минерал (x_1) ва органик (x_2) ўғитлашга боғлиқлигини регрессия тенгламасини умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 = 147,664 + 31,075x_1 + 1,359x_2$$

Олинган коэффицентлар қўйидаги иктисодий мазмунларни ифодалайди:

- 1) Биз қаралаётган масалани иккита омил бўйича ечиб натижалар олдик. Лекин помидор ҳосилдорлигини ўзгаришига бошқа омиллар ҳам таъсир қилиши мумкин. Чизиқли функциядаги регрессия коэффицентларидан $a_0 = 4,714$ га тенг. Бу қиймат помидор ҳосилдорлигига таъсир қилувчи ҳисобга олинмаган бошқа омилларни ифодалайди;

- 2) $a_1 = 31,075$ коэффициент қуйидаги иқтисодий мазмунни ифодалайди: агар помидорга солинадиган минерал ўғит миқдори 1 бирликка яъни, 1 ц га оширилса унинг ҳосилдорлиги 31,075 ц га ошиши мумкин.
- 3) $a_2 = 1,359$ бу коэффициент қуйидаги иқтисодий мазмунни ифодалайди: агар помидорга солинадиган органик ўғит миқдори 1 бирликка яъни 1 ц га оширилса унинг ҳосилдорлиги 1,359 ц га ошади.
- 4) Корреляция коэффициенти $r = 0,796$ га тенг (5-расм). Бу кўрсаткич помидор ҳосилдорлигини қаралаётган омилларга юқори даражада боғлиқ эмаслигини кўрсатади.

Демак, юқорида бажарилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, фермер хўжалиги бўйича помидор ҳосилдорлигини ошириш ва сабзавотчиликни истикболда самарали ривожланишини таъминлаш учун минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш зарурияти туғилади. Ўз ўрнида бу жараён соҳада агротехник тадбирларини илмий асосланган ҳолда ташкил қилишни мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

3.4. Соғлом турмуш тарзи асослари ва унинг ҳаёт фаолияти ҳафсизлигини таъминлашдаги ўрни

Соғлом турмуш тарзи - бу аввало қарилккача бўлган узоқ йилларгача ҳар бир кишини соғлигини мустаҳкамловчи ва таъминловчи турмуш тарзининг кечишидир. Инсонни соғлом турмуш тарзини кечиришини бош кўрсаткичи - бу аввало унинг физик ривожланиш ҳолати ва унга боғлиқ ўзини умумий ҳис этиши, кайфияти, шахсий ҳаётидаги, ўқишидаги, ишидаги муваффақиятлари ёки муваффақиятсизликларидир. Соғлом турмуш тарзини кечириш инсонни ҳолатидаги қуйидаги нормаларни ўз ичига олади⁵:

- 1) Доимий ва онгли равишда ўз соғлиги ҳақида қайғуриш;
- 2) Соғлиқ ҳақида қайғуриш оқилона, мушоҳадали ташкил этилиши организмга зарар етказмаслиги, ортикча чарчашга олиб келмаслиги зарур (масалан, чиниқишда ёки даволовчи очикиш ва шунга ўхшашда);

⁵ www.ziyonet.uz- ахборот-таълим тармоғи ахборот ресурс материалларидан фойдаланилди

3) Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, ялқовлик ва соғлик бир-бирига мутлоқа мос бўлмаган нарса ҳисобланади; Ҳар бир инсон ҳар куни ўз соғлиги ҳолатига эътибор кўрсатишга ўзини мажбурлаши зарур;

4) Соғликка гиподинамия (кам ҳаракатли турмуш тарзи), алкоголь, наркотик моддаларга ружу қўйиш, сигарет чекиш, нотўғри овқатланиш (ортиқча овқатланиш аччик, шўр ёки ёғли таомларни тез-тез истеъмол қилиш ва бошқалар) каби омиллар зарар келтиради, дам олишни билмаслик (узлуксиз, узоқ вақтли ва танаффуссиз дам) соғлик учун зарарлидир. Шу билан бирга ҳар нарсага хавфсираш, кўрқиш, доимий норозилик кайфияти, хоҳишлар ўртасидаги қарама-қаршилиқ, доимий нолиш, қаноатланмаслик ҳисси, ўз захрини сочишлиқ кайфияти, ёмонлик қилиш кайфияти, ҳасад ва шу кабилар соғлик учун ўта зарарлидир.

Соғлом турмуш тарзини кечиришга сезиларли таъсир этадиган, соғликни зарур даража таъминлайдиган қуйидаги омиллар ёрдам беради:

- 1) Меҳнатсеварлик билан бирга яхшиланишга ишонч;
- 2) Ҳажвия ва ҳазилларга мойиллик;
- 3) Ҳар бир ҳолатга тез мослаша олиш;
- 4) Яхшилиқни узоқ вақт эсдан чиқармаслик ва ёмон нарсаларни тез унутиш қобилияти;
- 5) Енгил (ёқимли) чарчашга тоза ҳавода доимий жисмоний меҳнат билан шуғулланиш;
- 6) Хурсандчилик-соғликнинг энг яхши дўсти, ҳар сонияда, ҳар соатда, кун давомида яхши кайфиятда бўлишни ўрганиш лозим;
- 7) Ҳаёт ва унинг хурсандчиликларини мазмуни ҳақидаги инсоннинг ақлий тафаккури, мақсад сари интилиш билан ишонч бирлиги ҳар бир кишини бош таянчи эканлигини англаш.

Инсон унда битта соғлик мавжудлигини, касаллик эса саноксиз, жуда кўп эканлигини ҳар доим эсда сақлаши ва шу сабабли кўп сонли касалликлар билан курашгандан кўра соғликни асраш, авайлаш осонлигини унутмаслиги керак. Бундан шундай хулоса чиқариш керакки, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш,

кўпгина касалликлардан бутунлай қутулишга ёки уларга қарши муваффақиятли курашишга ёрдам беради. Бошқа хулоса шундайки, соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик одатда инсон организмини ҳар хил касалликларга нисбатан қаршилигини кучсизланишига, кўп ҳолларда эса иммунитетни (организмни ҳимоя функцияси) кучсизланишига олиб келади. Соғлом турмуш тарзи жамиятнинг ҳар бир аъзосини икки йўналиш бўйича ҳаракатини йўлга қўйишида амалга ошади.

Ўз соғлигини яхшилаш ва шакллантириш бўйича ишни гигиеник қоидаларга риоя қилишдан бошлаш, чиниқиш, жисмоний маданият билан шуғулланиш, йўқотилган энергия ва овқатланишни доимий мувозанатига эришиш ва шу кабилар;

Соғликни емирилишига кўмаклашувчи зарарли одат омиллари таъсиридан қутилиш. Бу зарарли одатларга чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, норкотик ва токсик моддалар қабул қилишлар киради. Соғлом турмуш тарзининг муҳим элементларидан бири шахсий гигиена ҳисобланади. «Шахсий гигиена» нинг ўзи кенг тушунча бўлиб, у соғликни асрашга қаратилган кўп сонли гигиеник қоидаларни, нормаларни талаб этади ва улар меҳнатсеварлик, узоқ йиллик фаоллик, юқумли ва юқумсиз касалликларни олдини олиш бўйича ишлар ҳисобланади. Шахсий гигиена ўз ичига қуйидагиларни олади:

- 1) Терини парваришлаш;
- 2) Тишларни парваришлаш, соғликни парваришлаш;
- 3) Уст кийим, бош ва оёқ кийимлари гигиенаси.

Шахсий гигиена ўз навбатида ижтимоий, қолаверса бутун жамият гигиенаси учун катта аҳамиятга эга. Оммавий ахборот воситаларида сўнгги йилларда шахсий гигиенага катта эътибор берилмоқда. Бозор иқтисодиёти ислохотлари мамлакатимизда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш алоҳида аҳамият касб этади, чунки кўпгина касалликлардан даволаниш жуда қиммат туради. Соғлом турмуш тарзини олиб бориш нафақат жисмоний соғликни асрашга эътибор қаратишни балки, физик соғликка таъсир этадиган руҳий-ҳиссий соғлик ҳақида ҳам доимий қайғуришни талаб этади. Руҳий

касалликларни (айниқса сурункали руҳий касалликларни) ҳар хил жисмоний касалликларга олиб келиши ҳаммага маълум.

Турмуш тарзининг касаллик профилактикаси билан алоқаси. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг аниқлаши бўйича инсон соғлигининг умумий ҳолати унинг физик, руҳий ва ижтимоӣ ҳолати даражаси билан белгиланади. Кўп сонли тадқиқотлар натижаси мамлакат аҳолисининг соғлиги ҳар бир инсонинг ўзига 50%, инсон ирсиятига 20%, атроф-муҳит таъсирига 20% ва соғлиқни сақлаш бўйича ишларга 10% боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Демак талаб даражасида соғлиқни сақлаш кўп жиҳатдан ҳар бир инсоннинг ўзига, характериға ва турмуш тарзига боғлиқ экан. Кўп асрлик тажриба турмуш тарзи касаллик келишини секинлаштиришини ёки тезлаштиришини кўрсатади. Шу билан бирға маълум табиӣ ҳолатда инсоннинг биологик соатлари фаолияти ҳам ўз манзилиға етиши ҳам шубҳасиз. Бундан ташқари инсон соғлиги захираси биринчи навбатта шу инсоннинг ўзига боғлиқ ва иккинчидан аниқ бир инсоният жамиятининг (мамлакатнинг давлатнинг) ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ. Тез-тез қайтариладиган, оғир ва узоқ вақт давом этадиган касалликлар инсонни биологик соати юришини тезлатишға олиб келади. Инкор қилиб бўлмайдиган тиббий статистика шуни кўрсатадики, 30 ёшда ҳам ёш бўлмаслиги, соғлом одам эса ўзининг 50-60 ёшида ҳам ёшдай бўлиши мумкин. Кўп касалликлар жумладан руҳий тушқунлик таъсири остида юзаға келадиган касалликлар таъсирида инсонларнинг эрта қариши ёки вафот этиши маълум. Бундай салбий ҳолатлар тасодиф эмас, ўз соғлиги ҳолатини билмаслик, унга эътиборсизлик ва оддий элементар эҳтиётсизлик ҳам сабаб бўлиши мумкин. Инсон кўп ҳолда касалликни эҳтиётсизлик, баъзан энг оддий билимларни етишмаслиги, ҳамда ўз соғлигига мутлоқа эътиборсиз муносабати оқибатида орттиради. Шифокор тадқиқотчиларнинг қайд қилишича инсонлардаги кўпчилик касалликлар виждонға, покликка, ғурурга қарши ҳаракатлар, оддий номардлик, ёлғондан иборат турмуш, адолатсиз ишларда фаол иштирок этиш билан тўғридан-тўғри алоқадордир.

Тадқиқот натижасида кунига бир ярим пачка сигарет чекадиган кишилар бир йил давомида 300 марта рентген кўкрак қафаси текширувдан ўтган киши олган ионловчи радиацияга тенг бўлган нурни олар экан. Сигаретнинг тутунида маълум босқичда ўпка ракига олиб келувчи полоний-210, стронций-90, радий-226, кўрғошин-210 ва калий-40 радиоактив моддаларнинг мавжудлиги аниқланган.

Ҳаракат фаоллигини инсон соғлиги ва фаолиятига таъсири. Замонавий дунёда маиший техникани ривожланиши, ҳар хил корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштирилиши, механизациялаштирилиши, компьютерлаштирилиши, жамоат ва шахсий транспортдан кенг фойдаланиш кўпчилик одамларда кам ҳаракатли турмуш тарзини ошишига сабаб бўлиб, инсоннинг ҳаракатланиш фаоллигини камайтиради. Кам ҳаракатли турмуш тарзи ҳаракат фаоллигини камайиши ёки гипокинезия ҳисобланади. Мактаб ёшидаги гипокинезия болани кундалик меҳнат ва дам олиш тартибини рационал ташкил этилмаганлиги, кунлик топшириқларни ортиқчалиги билан боғлиқ ва бунинг натижасида болани сайр қилишга кам вақти қолади. Гипокинезия талабалар муҳитига ҳам характерли ҳолатдир. Қатор ҳолларда гипокинезияни бир жойда ётишни талаб қиладиган касалликлар ҳам келтириб чиқаради. Бундай шароитда организмдаги барча мускулларда юклама камаяди. Техник тараққиёт бир томондан ҳаётни бир мунча енгиллаштиради иккинчи томондан организмга етарлича зарар ҳам етказди. У мўшакларни оч қолишига шароит яратади, атроф-муҳитни зарарли таъсирига организм қаршилигини пасайишини тезлатади. Ёш ўтиши билан бу ҳолат чуқурлашиб боради ва инсон организмни емиради. Кўпгина давлатларнинг олимлари олиб борган тадқиқотлар натижасида ҳаракатланиш фаоллигининг етарли бўлмаслиги юрак-қон томирлари касаллигини пайдо бўлишида асосий омил бўлади. Кўпгина мамлакатларнинг олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар кам ҳаракат қиладиган 40 ёшдан ошган одамларни гипертоник ва атеросклероз касалликларига чалиниши 2 барабар кўп бўлишини кўрсатади. Статистик

маълумотлар шуни кўрсатадики, 80 % аҳоли жисмоний юклама етарли бўлмаган турмуш тарзини кечиради.

Замонавий дунёда бу салбий ҳолатга қарши самарали курашиши воситаси исталган жисмоний машқ тури билан систематик шуғулланиш, тоза ҳавода ҳеч қандай махсус шароит талаб этмайдиган югуриш ва юриш ҳисобланади.

Юришда инсоннинг 50 дан ортиқ мускулларини ишга тушиши тадқиқотлар орқали аниқланган. Шу билан бирга юриш билан доимий шуғулланиш юрак-қон томирлари, нафас олиш системасини машқ қилдириб, уларга яхши таъсир этади, организмда модда алмашинувини яхшилайти, семиришни олдини олади. Бундан ташқари юриш давомийлигини аста-секин ошириб бориш юракда қон айланишини яхшиланишига ёрдам беради. Юриш вақтида оёқ ҳаракати насос механизмига ўхшаб ишлайди ва нафақат оёқда балки, бутун организмда қон айланишини яхшиланишига олиб келади. Фаолият даврида ҳаракатни етарли бўлмаслиги билан боғлиқ ҳолда мускулларни фаолиятини етарли бўлмаслиги организм ҳолатига бирдан таъсир этади. Гипокинезия ва гиподинамияларнинг хавфлилиги учун касалларга ҳам узок вақт кроватда ҳаракатсиз ётишга руҳсат берилмайди. Ҳаракат фаоллигини етарли бўлмаслиги юрак-қон томир ва асаб системаларининг компенсатор қобилиятига биринчи ўринда салбий таъсир этади. Иш жойида кун бўйи оёқда тик туриб ишловчиларда ҳаракат фаолсизлиги кузатилади. Станок олдида кун бўйи бир ҳолатда ишлаш оёқда қон айланишини ёмонлаштиради ва бу вена қон томирини кенгайтиши ва тери остидан кўкариб қолиши билан амалга ошади. Доимий оёқда тик туриб ишлашда вақти соати келиб мушаклар қайишқоқлиги йўқотилиб, тўқималар ҳаракатланувчанлигини камайтиради. Туриб ишлашдан ўтириб ишлаш организмга анча енгиллик туғдиради. Бунда таянч майдони ошади, оёқ мускулларига статик юк тушмайди, юрак-қон томирлари системаси ишини енгиллаштиради. Аммо ўтириб ишлашда ҳаракат фаоллигининг камайганлиги боис маълум даражада организмда гипокинезия ва гиподинамия кузатилиши туфайли ўзининг салбий томонларига ҳам эгадир.

Гиподинамия ва гипокинезияга қарши курашнинг энг яхши воситалари жисмоний машқ ёки жисмоний тарбия билан комплекс шуғулланиш ҳисобланади.

Зарарли одатларни инсон организмига ва фаолиятига таъсири. Тиббиёт амалиётида спиртли ичимликларга, сигарет чекишга, наркотик ва токсик моддаларга ружу қўйиш зарарли одатларга киради. Спиртли ичимликка ружу қўйиш аста-секин мастлик ва сўнг алкоголь ҳолат билан тугайди. Ҳозирги вақтда ичимлик ичиш, алкоголь ҳолатга тушиш кам бўлсада ёшлар (ўқувчилар, талабалар) ўртасида ҳам учраб турганлиги сир эмас. Шу сабабли бу салбий ҳолатга қарши курашиш, уни олдини олиш ҳар бир давлатнинг ҳар доим биринчи даражали вазифаларидан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бу тадбирларга ҳукумат даражасида эътибор қаратилиши жуда муҳимдир. Чунки халқ соғлиги, ўсиб келаётган ёш авлодлар соғлигини сақлаб қолиш нуқтаи назаридан асосланади.

Бундай салбий ҳолатларга нисбатан жиддий қарши кураш тадбирларини доимий олиб бормаслик аҳолининг маълум қатлами орасида наркотик, токсик каби моддаларга ружу қўйишга олиб келади. Бунинг натижасида наркотик моддаларни истеъмол қилиш кенгайди. Ёшлардаги бундай зарарли одатлар ирсият орқали ҳам ота-онадан, оила муҳитидан фарзандга ўтиши мумкинлиги тиббий экспертизаларда ҳам аниқланган.

Ҳар қандай таркибдаги алкоголь спиртли ичимликлар дори бўлаолмайди, бактерия ва вирусларни ўлдира олмайди. Спиртли ичимликлар билан ўзини даволаш яхши оқибатларга олиб келмайди. Алкогол ичимлик ҳужайраларни янгилаш учун зарур моддаларни қонга ўтишига тўсқинлик қилади. Врачлар алкоголь ичимликни марказий асаб системасига таъсир қилувчи захар деб ҳисоблашади. Бу таъсир натижасида бош мия қатламида тормозлаш жараёни кучсизланади ва инсонда ўз характерини назорат қилиш бирдан ёмонлашади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулосалар

1. Самарқанд вилоятининг Пайариқ тумани пахта, ғалла, мева-сабзавот ва узумчилик, пиллачилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Туманнинг умумий майдони 87102 кв.км ни ташкил қилади (1-жадвал). Туман Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Фориш туманлари, ҳамда Самарқанд вилоятининг Нуробод, Иштихон, Жомбой ва Қўшработ туманлари ҳудудлари билан чегарадош ҳисобланади.

Пайариқ туманининг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони 58367 гектарни ташкил қилади. Шунингдек, туман бўйича: яйловлар-7608, жами ҳайдаладиган ерлар – 46528, суғориладиган ерлар -42679, лалмикор ерлар-3849, кўп йиллик дарахтзорлар- 4232 , шу жумладан мевали боғлар – 1903 гектарни ташкил қилади.

2. Бажарилган таҳлиллар туманида мева-сабзавот ва узум етиштириш рентабелли эканлигидан далолат беради. Масалан узум етиштириш бўйича қуйидаги ишлаб чиқариш натижаларига эришилган (6-жадвал).

2.1) Токзорлар майдони 2011 йилда 2325 гектарни ташкил қилган.

2.2) Токзорларнинг ўртача ҳосилдорлиги 2011 йилда гектаридан 120,1 ц ни ташкил қилган. Токзорлар ҳосилдорлиги бўйича 2010 йилга нисбатан гектаридан ўртача 52,6 ц дан узум ҳосили олинган, олдинги йилга нисбатан ўсиш 77,9 фоизни ташкил қилган.

2.3) Туман бўйича токзорлардан олинган ялпи узум ҳосили 2010 йилда 15694 тоннани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2011 йилда 12223 тоннага ёки 77,9 фоизга ўсиб 27917 тоннани ташкил қилган.

2.4) Туманда узум ишлаб чиқариш харажатларини ўсиши кузатилмоқда. Масалан, узум ишлаб чиқариш харажатлари 2010 йилда 4 млрд. 281 мил. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилга келиб 3 млрд. 978 минг сўмга ёки 92,9 % га кўпайиб 8 млрд. 259 млн сўмни ташкил қилган.

2.5) Узум сотишдан олинадиган даромад 2010 йилда 5 млрд. 492 млн сўмни, 2010 йилда эса 11 млрд. 167 млн сўмни ташкил қилган. Олдинги йилга нисбатан ўсиш 103,3 фоизни ёки 5 млрд. 675 млн. сўмни ташкил қилган.

2.6) Узумчилик рентабелли сохалардан ҳисобланади. Узум маҳсулотларни реализация қилишдан олинган жами фойда 2010 йилда 1 млрд. 211 млн сўмни ташкил қилган бўлса, бу курсаткич 2011 йилга келиб 1 млрд. 697 млн ёки 1,4 мартта кўпайиб 2 млрд. 908 млн. сўмни ташкил қилган.

2.7) Узумчилик рентабеллиги 2010 йилда 28,3 % ни, 2011 йилда эса 35,2 % ни ташкил қилган. Рентабелликнинг ўзгариши 6,9 пунктни ташкил қилган.

Шунингдек БМИда сабзаёт (4-жадвал) ва мева (8-жадвал) бўйича жадвалли иқтисодий таҳлиллар амалга оширилган.

3. Маълумки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг ўзгаришига бевосита қуйидаги уч омил таъсир қилади:

1-омил. сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши ;

2-омил. 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши;

3-омил. 1 ц маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши .

Туманда 2011 йилда 2010 йилга нисбатан сабзаётни сотишдан 678 млн. сўм зарар кўрилган. У қуйидаги омиллар ҳисобига юз берган (5-жадвал):

3.1) Сотилган сабзаётни маҳсулоти миқдорининг ялпи фойданинг ўзгаришига таъсири: туман бўйича 2011 йилда 2010 йилига нисбатан туман бўйича сотилган сабзаёт ҳажмининг 252870 ц. га камайиши натижасида сабзаётни сотишдан олинган ялпи фойда суммаси 2010 йилга нисбатан 10 миллиард 362 млн 840,8 минг сўмга камайган. Туманда, сотилган сабзаёт ҳажмининг камайиши фойданинг ўзгаришига салбий таъсир қилган. Туман бўйича сотилган сабзаёт миқдори камайиши олинадиган фойдани камайишига олиб келган.

3.2) 1 ц сабзаётнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгаришини ялпи фойданинг ўзгаришига таъсири: Туман бўйича 2011 йилда 1 ц сабзаётнинг ўртача сотиш баҳосининг 2010 йилга нисбатан 60414 сўмга ошган, ялпи фойда суммаси эса 17 млрд 686 млн 263,2 минг сўмга кўпайган. Туман бўйича

сабзавотни ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

3.3) 1 ц маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгаришини ялпи фойданинг ўзгаришига таъсири: Туманда 1 ц сабзавот таннархини 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 48176 сўмга ошиши, туманда сабзавотнинг жами ишлаб чиқариш харажатларини 17 миллиард 103 млн 422,3 минг сўмга камайишига олиб келган.

4.Туманда 2011 йилда 2010 йилга нисбатан узумни сотишдан 1 млрд. 697 млн. сўм фойда кўрилган. У қуйидаги омиллар ҳисобига юз берган (7-жадвал):

4.1) Туман бўйича 2011 йилда 2010 йилига нисбатан туман бўйича сотилган узум ҳажмининг 12223 ц. га ошиши натижасида узумни сотишдан олинган ялпи фойда суммаси 2010 йилга нисбатан **9 млрд 431 млн 664 минг** сўмга кўпайган. Туманда, сотилган узум ҳажмининг ошиши фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган. Туман бўйича сотилган узум миқдори ошиши олинадиган фойдани ошишига олиб келган.

4.2) Туман бўйича 2011 йилда 1 ц узумнинг ўртача сотиш баҳосининг 2010 йилга нисбатан 5006 сўмга ошган, ялпи фойда суммаси эса 13 млрд. 976 млн 509 минг сўмга кўпайган. Туман бўйича узумнини ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

4.3) Туманда 1 ц узум таннархини 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 2306 сўмга ошиши, туманда узумнинг жами ишлаб чиқариш харажатлари 6 млрд 438 млн 173 минг сўмга кўпайишига олиб келган.

5.Туманда 2011 йилда 2010 йилга нисбатан мевани сотишдан 700 млн. сўм фойда кўрилган. У қуйидаги омиллар ҳисобига юз берган (9-жадвал):

5.1) Туман бўйича 2011 йилда 2010 йилига нисбатан туман бўйича сотилган мева ҳажмининг 45510 ц. га ошиши натижасида мевани сотишдан олинган ялпи фойда суммаси 2010 йилга нисбатан 2 млрд 977 млн 731 минг сўмга кўпайган. Туманда, сотилган мева ҳажмининг ошиши фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

5.2) Туман бўйича 2011 йилда 1 ц узумнинг ўртача сотиш баҳосининг 2010 йилга нисбатан **3562** сўмга ошган, ялпи фойда суммаси эса 11 млрд. 852 млн 924 минг сўмга кўпайган. Туман бўйича узумнини ўртача сотиш баҳосининг ошиши ялпи фойданинг ўзгаришига ижобий таъсир қилган.

5.3) Туманда 1 ц узум таннархини 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 3562 сўмга ошиши, туманда узумнинг жами ишлаб чиқариш харажатларини **7 млрд 830 млн 656** минг сўмга кўпайишига олиб келган.

Таклифлар

1.БМИда Пайариқ туманда сотилган сабзавот, узум ва мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш рентабеллигини статистик таҳлили амалга оширилди.

Маълумки, сотилган маҳсулот рентабеллиги даражасининг ўзгаришига икки омил таъсир қилади:

1-омил. Ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши;

2-омил. 1 ц маҳсулот таннархининг ўзгариши.

1.1)Туманда сабзавотчиликда 2010 рентабеллик даражаси 33,1% ни, 2011 йилда эса 30,9% ни ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 2,1 пунктга камайган (10-жадвал).

1-омил. «Ўртача сотиш баҳоси ўзгариши» нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқланди. Ушбу ўзгариш баҳонинг ижобий, таннархнинг салбий таъсири остида пайдо бўлган. Ўртача сотиш баҳоси 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 60414 сўмга ошган. Бу омил ҳисобига рентабеллик даражасини 48,7% га ошиши таъминланган.

2-омил. «1 ц маҳсулот таннархининг ўзгариши». Туманда 1 ц сабзавотнинг ўртача таннархи 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 48180 сўмга ошган. Таннархнинг ошиши фойданинг камайишига, рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келади. Демак, таннархнинг 48180 сўмга ошиши рентабеллик даражасига салбий таъсир қилиб, уни 50,9 % га пасайтирган.

1.2)Туманда узумчиликда 2010 рентабеллик даражаси 28,3 % ни, 2011 йилда эса 35,2% ни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 6,9 пунктга ўсишга эришилган (11-жадвал).

1-омил. «Ўртача сотиш баҳоси ўзгариши» нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқланди. Ушбу ўзгариш баҳонинг ижобий, таннархнинг салбий таъсири остида пайдо бўлган. Ўртача сотиш баҳоси 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 5006 сўмга ошган. Бу омил ҳисобига рентабеллик даражасини 18,7% га ошиши таъминланган.

2-омил. «1 ц маҳсулот таннархининг ўзгариши». Туманда 1 ц узумнинг ўртача таннархи 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 4817 сўмга ошган. Таннархнинг ошиши фойданинг камайишига, рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келади. Демак, таннархнинг 23064 сўмга ошиши рентабеллик даражасига салбий таъсир қилиб, уни 11,4 % га пасайтирган.

1.3)Туманда мевачиликда 2010 рентабеллик даражаси 34,5 % ни, 2011 йилда эса 39,0% ни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 4,5 пунктга ўсишга эришилган (12-жадвал).

1-омил. «Ўртача сотиш баҳоси ўзгариши» нинг рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқланди. Ушбу ўзгариш баҳонинг ижобий, таннархнинг салбий таъсири остида пайдо бўлган. Ўртача сотиш баҳоси 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 104976 сўмга ошган. Бу омил ҳисобига рентабеллик даражасини 55,4 % га ошиши таъминланган.

2-омил. «1 ц маҳсулот таннархининг ўзгариши». Туманда 1 ц меванинг ўртача таннархи 2011 йилида 2010 йилига нисбатан 69353 сўмга ошган. Таннархнинг ошиши фойданинг камайишига, рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келади. Демак, таннархнинг 69353 сўмга ошиши рентабеллик даражасига салбий таъсир қилиб, уни 50,8 % га пасайтирган.

2. Биз «**Облоқулов Гофур олмазори**» фермер хўжалиги бўйича помидор ва картошканинг ҳосилдорлигини минерал ва органик ўғитлаш ҳажмларига боғлиқлигини ифодаловчи корреляцион боғланишлар орқали аниқлаш масаласини ечишни БМИ ишида амалга оширдик.

Масалани ЭХМда **Statistic-XLS5** дастурида ечиш натижаси бўйича фермер хўжалиги бўйича помидор ҳосилдорлигини (Y) унинг минерал (x_1)

ва органик(x_2) ўғитлашга боғлиқлигини регрессия тенгламасини умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 = 147,664 + 31,075x_1 + 1,359x_2$$

Олинган коэффицентлар қуйидаги иқтисодий мазмунларни ифодалайди:

2.1) Биз қаралаётган масалани иккита омил бўйича ечиб натижалар олдик. Лекин помидор ҳосилдорлигини ўзгаришига бошқа омиллар ҳам таъсир қилиши мумкин. Чизиқли функциядаги регрессия коэффицентларидан $a_0 = 4,714$ га тенг. Бу қиймат помидор ҳосилдорлигига таъси қилувчи ҳисобга олинмаган бошқа омилларни ифодалайди;

2.2) $a_1 = 31,075$ коэффицент қуйидаги иқтисодий мазмунни ифодалайди: агар помидорга солинадиган минерал ўғит миқдори 1 бирликка яъни, 1 ц га оширилса унинг ҳосилдорлиги 31,075 ц га ошиши мумкин.

2.3) $a_2 = 1,359$ бу коэффицент қуйидаги иқтисодий мазмунни ифодалайди: агар помидорга солинадиган органик ўғит миқдори 1 бирликка яъни 1 ц га оширилса унинг ҳосилдорлиги 1,359 ц га ошади.

2.4) Корреляция коэффиценти $r = 0,796$ га тенг (5-расм). Бу кўрсаткич помидор ҳосилдорлигини қаралаётган омилларга юқори даражада боғлиқ эмаслигини кўрсатади.

Демак, юқорида бажарилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, фермер хўжалиги бўйича помидор ҳосилдорлигини ошириш ва сабзавотчиликни истиқболда самарали ривожланишини таъминлаш учун минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш зарурияти туғилади. Ўз ўрнида бу жараён соҳада агротехник тадбирларини илмий асосланган ҳолда ташкил қилишни мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида». 1993 йил 6 май.
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида». –Т.: Шарқ, 1993.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. 1995 йил 21 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси қонуни. «Фермер хўжалиги тўғрисида». 1998 йил 30 апрель.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент Ислом Каримовнинг Фармон ва Қарорлари

5. «Фермер хўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2011 йил 11 апрель (<http://www.press-service.uz/uz/news/>)

6. «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2006 йил 9 январь, ПФ-3709-сон. Ўзбекистон Республикаси ҚОНУН ҳужжатлари тўплами. № 2. 2006 йил январь.-3-5 б.

7. «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2006 йил 11 январь, ПҚ-255-сон. Ўзбекистон Республикаси ҚОНУН ҳужжатлари тўплами. № 2. 2006 йил январь.-8-10 б.

III. Ўзбекистон Республикаси Президент Ислом Каримовнинг асарлари ва маърузалари

8. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

9. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқин ҳаёт манбаи. –Т.: Ўзбекистон, 1998.

10.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.

11.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби//“Халқ сўзи” газетаси. 2009 й., 14 февраль.

12.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

13.Каримов И.А.Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаравонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011. - 48 б.

14.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 432 б.

15.Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги боқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза/И.А.Каримов.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. -36 б.

16.IV. Дарслик, ўқув қуланма, монография ва илмий мақолалар

17.Алимов Р.Х., Бегалов В.А. ва бошқ. Иқтисодиётда ахборот технологиялари. Ўқув қуланма. - Т.: ЎЁУ Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.- 184б.

18. Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўқув юртлари учун дарслик // Муаллифлар жамоаси: С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов, Х.С.Лутфуллаев ва бошқ. / С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Шарқ, 2000. – 592 б.

19. Бакетт М. Фермер хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш. – Т.: Мехнат. 1998.

20. Бройдо В.Л. Офис техникаси бошқариш ва иш юритиш учун. – Т.: Мехнат нашриёти, 2001. - 432 б.

21. Ғойибов Х.Э. Мехнат муҳофазаси. – Т.: Мехнат, 2000 .

22. Давлат статистика ҳисоботи. 1-фермер шакли. Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот. 2010-2011 йиллар.

23. Жўраев Ф, Астанов А. Самарқанд вилоят фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш йўллари // Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни. Республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамҚХИ, 2009. - 358 б.

24. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. – Т.: «Истиклол». 2004.

25. Информатика ва ахборот технологиялари: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик // Муаллифлар жамоаси: С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Б.А.Бегалов ва бошқ. / С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: ТДИУ, 2010. – 765 б.

26. Исмоилов А.А, О.Қ. Рихсимбоев. Иқтисодий таҳлилнинг математик усуллари ва башоратлаш. – Т.: ТДИУ, 2007. -335 б.

27. Исмоилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти: Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: Молия, 2005.- 412 б.

28. Қудратов Т., Файзиева Н. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. – Самарқанд: Н-Доба, 2010. – 271 б.

29. Мустафакулов Ш., Файзуллаева Д., Хашимова Д. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган

энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича таълим технологияси: – Т.: «Иқтисодиёт», 2012. -179 б.

30. Носко В.П. Эконометрика. Кн. 1. Ч. 1, 2: учебник.-М.: Издательский дом «Дело» РАНХиГС, 2011.- 672 с.

31. Лутфуллаев Х.С., Абдуғаффоров А., Мирзаев Н. Иқтисодиётда ахборот технологияси ва тизимлари. -Т.:ТДИУ, 2001. -196б.

32. Олимжонов О. ва бошқ. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. – Т.: Университет, 2005.

33. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И.. Иқтисодий таҳлил. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.

34. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: О’қитувчи, - 2012. – 272 б.

35. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК. Учебник. –Минск; Новое знание, 2001.

36. Скларов Ю.С. Эконометрика. Краткий курс: учебное пособие. 2-е изд, испр. // ГУАП. -СПб., 2007.-140 с.

37. Урдушев Х, Усмонов Р. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий-математик усуллар ва моделлар.-Самарқанд: СамҚХИ, 2002. -160 б.

38. Урдушев Х., Акбаров Х. Мева-сабзавотчилик ва узумчиликнинг ялпи ҳосилдорлигини ўзгаришини қаторлар динамикаси тенденциялари усули билан аниқлаш//Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни: Республика илмий-амалий конференцияси. Илмий-мақолалар тўплами. 1-қисм. 20-21 ноябр. 2009 й. – Самарқанд: СамҚХИ, 2009. - 315-317 б.

39. Урдушев Х., Акбаров Х., Қаландаров Р. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш//AGRO ILM-O'ZBEKISTON Q'ISHLOQ XO'JALIGI журнали илмий иловаси.- Тошкент, 2009. -№ 3 (10). - 64-65 б.

40. Урдушев Х., Қаландаров Р. Қишлоқ хўжалигида ахборот технологиялари// Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш истиқболлари: Профессор ўқитувчиларнинг қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йилига бағишланган илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. II-қисм. 6-7 май. СамҚХИ. – Самарқанд: СамҚХИ, 2009. -43-45 б.

41. Урдушев Х., Қаландаров Р. Мева-сабзавот, узумчилик фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш ва сотишни оптималлаштириш масалалари//Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва уларнинг ечимлари: Профессор-ўқитувчиларнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»га бағишланган илмий-амалий конференцияси. - Самарқанд: СамҚХИ, 2011. -36-39 б.

42. Урдушев Х., Қаландаров Р., Эшонқулов С. Мева-сабзавот, узумчилик фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари//Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва уларнинг ечимлари: Профессор-ўқитувчиларнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»га бағишланган илмий-амалий конференцияси. - Самарқанд: СамҚХИ, 2011. -45-47 б.

43. Урдушев Х., Қаландаров Р. Самарқанд вилоятида сабзавот экинларини жойлаштирилиши ва маҳсулот етиштиришнинг таҳлили//«Фермер хўжаликларини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзусидаги профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий конференцияси. – Самарқанд: СамҚХИ, 2008. -34-38 б.

44. Хакимов Р. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш.// Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш, уларни қайта ишлаш ва унда замонавий минитехнологияларни

жорий этиш, маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича вазифалар. - Самарқанд, 2010, (Ҳокимлар йиғилиши материаллари).

45. Шодиев Т.Ш., Хақимов Т.Х. ва бошқ. Эконометрика, ўқув қулламанма. – Т.: ТДИУ, 2007. –187 б.

V. Интернет ахборот ресурслари

46. <http://prezident.uz/>- ЎзР Президентининг матбуот хизматининг сайти;
47. www.ziyonet.uz-ахборот–таълим портали;
48. www.agro.uz –ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти;
49. www.stat.uz –ЎзР Давлат статистика қўмитаси сайти;
50. www.vinprom.uz –Ўзвинсаноат –холдинг сайти
51. <http://agriculture.uz/index.php>-Фермерлар учун портал
52. www.lex.uz ЎзР адлия Вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази сайти.
53. <http://samarkand.uz>- Самарқанд вилояти ҳокимлиги сайти
54. <http://payariq.samarkand.uz> – Пайариқ тумани ҳокимлиги сайти.

БМИни бажарувчи _____ Гаппаров Нуриддин

БМИни электрон вариантыдаги файл НОМИ: Гаппаров Нуриддин. БМИ.
Тел. +99866-267-53-46

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Иқтисодиёт ва бошқарув» факультети, “Иқтисодиёт” (қишлоқ хўжалиги) бўлими 4 – босқич 401-гуруҳ талабаси Гаппаров Нуриддиннинг «Фермер хўжаликларида сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни ошириш имкониятларини аниқлашда ахборот технологияларини қўллаш» (Пайариқ тумани фермер хўжаликлари мисолида) мавзусида бажарилган малакавий битирув ишига

Р У Х С А Т Н О М А

Битирув малакавий иши «Олий математика ва ахборот технологиялари» кафедрасининг 2011 йил 16-майдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, № 11 рақамли баённома билан ҳимояга рухсат берилди.

Олий математика ва АТ кафедраси
мудири, доцент

Урдушев Х.

Илмий раҳбар, и.ф.н., доцент

Урдушев Х.

СамҚХИ Олий математика ва ахборот технологиялари кафедрасининг кенгайтирилган йиғилишини № 11- сонли мажлис баёнидан КЎЧИРМА

16-май, 2012 йил. Самарқанд шаҳри

Мажлис раиси: - доцент Урдушев Х.

Мажлис котиби: - асс. Мавлянов М.

Қатнашдилар: доц. Аброев И., доц. Рахимов М., доц. Р.Усмонов, доц. Султонов Ж., доц.П.Давронов; катта ўқитувчилар: Рахимов О., Рахимов А., Акбаров Х.; ўқт. Мавлонов М.; ассистентлар: Қаландаров Р., Эшонқулов С., Рахимов Х., Жиянов Т.

Таклиф қилиндилар. Факультет деканати ва «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқарув» кафедрасидан: доц. А.Астанов (факультет декани), проф. О.Муртазаев, доцентлар: И.Ғаниев, Ф.Ахроров, Ш.Хасанов

Кун тартиби:

4. Кафедрада профессор-ўқитувчиларини илмий раҳбарлигида бажарилган БМИларини муҳокама қилиш ва уларни ДАК ҳимоясига тавсия этиш ҳақида.

4.2.Иқтисодиёт ва бошқарув факультети 5610100–Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши 407 гуруҳ талабаси Гаппаров Нуриддиннинг «Фермер хўжаликларида сабзаёт маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни ошириш имкониятларини аниқлашда ахборот технологияларини қўллаш» (Пайариқ тумани фермер хўжаликлари мисолида) мавзусида бажарилган битирув малакавий ишининг муҳокамаси.

Эшитилди:

Кафедра мудири, доц. Х.Урдушев: Жорий ўқув йилида кафедрада профессор-ўқитувчиларини илмий раҳбарлигида 20 та БМИ ҳимоя қилиниши керак. Кафедрада бугинги йиғилишига факультетимизнинг етакчи профессор-ўқитувчиларини қатнашишларини илтимос қилганмиз. Сизларга маълумки, ЎЗР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 31.12.98 йил 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида бакалаврнинг битирув малакавий иши” тўғрисидаги Низомга асосан ҳар бир битирувчининг битирув малакавий иши кафедрада муҳокама қилингандан кейин ДАК ҳимоясига тавсия этилиши керак. Муҳокамани бошлаймиз

Сўзга чиқдилар:

Факультет 4-босқич талабаси Гаппаров Нуриддин битирув малакавий ишини мазмуни билан йиғилиш иштирокчиларини таништиришди. У битирув малакавий ишининг мавзусини долзарблиги, аҳамияти, тадқиқот ўтказиш услублари ва натижалари, асосий хулоса ва тавсияларни ўқиб берди.

Шундан сўнг, Гаппаров Нуриддинга БМИ мавзуси юзасидан 3-5 та саволлар берилди. Берилган асарият саволларга у атрофлича жавоб берди.

Муҳокамада иштирок этган доцентлар И.Ғаниев, И.Аброев ва Р.Усмоновлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришганларидан сўнг қуйидагича қарор қилинди:

1. 5610100–Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши IV-боскич талабаси Гаппаров Нуриддиннинг «Фермер хўжаликларида сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни ошириш имкониятларини аниқлашда ахборот технологияларини қўллаш» (Пайарик тумани фермер хўжаликлари мисолида) мавсусида бажарилган битирув малакавий иши мавзусини долзарблиги, бажарилган ишининг яқунланганлигини, хулоса ва таклифлар ишнинг мазмунидан келиб чиққанлигини ва у барча кўрсаткичлар бўйича ДАК талабига жавоб беришини инобатга олиб, уни ДАК да ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Мажлис раиси:

Урдушев Х

Котиби

Мавлянов М.

МАЪЛУМОТНОМА

Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақидаким, Самарқанд қишлоқ хўжалиқ институти «Иқтисодиёт ва бошқарув» факультети Фермер хўжалигини бошқариш бўлими 4 – босқич 407 гуруҳ талабаси Гаппаров Нуриддин ҳақиқатдан ҳам бизнинг бизнинг «Облоқулов Гофур олмазори» номли фермер хўжалигимизда 2 йил давомида амалиётларини ўтаб келмоқда.

Талаба Гаппаров Нуриддин томонидан танланган «Фермер хўжалиқларида сабзаёт маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни ошириш имкониятларини аниқлашда ахборот технологияларини қўллаш» (Пайариқ тумани фермер хўжалиқлари мисолида) мавзу ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда долзарб бўлиб ҳисобланади.

БМИ бўйича Гаппаров Нуриддин томонидан берилган таклифлар истиқболда ишлаб чиқаришга қўллаш режалаштирилмоқда.

Самарқанд қишлоқ хўжалиғи институти профессор ўқитувчиларига шундай кадр тайёрлаб бераётганларидан миннатдормиз ва келгуси ишларида зафарлар тилаймиз.

«Облоқулов Гофур олмазори»

фермер хўжалиғи раиси

Облоқулов Гофур

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, иқтисодиёт факультетининг 5610100– Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши 407-гуруҳ талабаси Гаппаров Нуриддиннинг «Фермер хўжаликларида сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни ошириш имкониятларини аниқлашда ахборот технологияларини қўллаш» (Пайариқ тумани фермер хўжаликлари мисолида) мавзусида бажарган битирув малакавий ишига

Т А Қ Р И З

Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, уни илмий амалий жиҳатдан асослаш, мавзуга тегишли адабиётлар, муаммонинг қўйилиши ва уни ҳал қилишда қўлланиладиган услублар акс эттирилган. БМИнинг асосий қисмида Пайариқ тумани бўйича мева-сабзавот ва узум ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари аниқ маълумотлар асосида ёритилиб, ишлаб чиқариш харажатлари таҳлил қилиш асосида ўрганилган.

БМИ қўйидаги жиҳатлари билан аҳамиятлидир:

Биринчидан. мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойданинг ўзгаришига бевосита қилувчи: 1) сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши; 2) 1 ц маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши; 3) 1 ц маҳсулотнинг ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши омиллари ўрганилган ва олинган натижалар таҳлил қилинган.

Иккинчидан. Сотилган маҳсулот рентабеллиги даражасининг ўзгаришига 1) ўртача сотиш баҳосининг ўзгариши; 2) 1 ц маҳсулот таннархининг ўзгариши таъсир қилувчи омиллар ўрганилган.

Учинчидан. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тармоқларнинг истиқболда самарали ривожланишини таъминлаш жуда кўп омилларга боғлиқ бўлади. Талаба томонидан фермер хўжалиги бўйича помидор ҳосилдорлигини минерал ва органик ўғитлаш ҳажмларига боғлиқлигини ифодаловчи корреляцион боғланишни ифодаловчи эконометрик модел тузилган ва олинганлар натижалар таҳлил қилинган.

Битирув ишида келтирилган 14 жадвал 2 та диаграммалар БМИ мазмунига тўғри келади.

Битирув иши айрим камчиликлардан холи эмас. Масалан битирув ишида, фикрларда айрим такрорланишлар, стилистик хатолар бор.

Талаба Гаппаров Нуриддин мутахассислик фанлари бўйича назарий ва амалий билимларни талаб даражасида эгаллаганлигини малакавий битирув иши натижаларидан куришимиз мумкин. Хулоса ўрнида бажарилган БМИ талаб даражасида бажарилган ва уни ҳимояга тавсия мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

«Облоқулов Ғофур олмазори»

фермер хўжалиги раиси

Облоқулов Ғофур

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти 5610100–Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши 407-гурух талабаси Гаппаров Нуриддиннинг «Фермер хўжаликлариди сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш рентабеллиги ва уни ошириш имкониятларини аниқлашда ахборот технологияларини қўллаш» (Пайариқ тумани фермер хўжаликлари мисолида) мавзусида бажарган битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Бозор иқтисодиёти даврида мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришнинг тез ўсишини таъминловчи омиллардан бири Республика вилоятларининг мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган зоналари бўйича мевали дарахт ва токзорларни тур ва навига кўра илмий асосланган ҳолда жойлаштириш, ихтисослаштириш ҳамда уларни замон талаблари асосида такомиллаштириб бориш соҳа олдидаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан танланган мавзу долзарблиги кўринади. Бозор иқтисодиёти шароитида деҳқончиликнинг истиқболда самарали ривожланиши жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, у омилларидан бири, мева-сабзавот узум етиштириш йўналишидаги фермер хўжаликларда экинлар ҳосилдорлиги ошириш имкониятларини аниқлаш масаласидир.

Талаба Гаппаров Нуриддин қўйилган масалани яхши ўрганган, жумладан у Пайариқ тумани мева-сабзавот ва узум етиштириш ва сотиш жараёнларини ўрганган ва таҳлил қилган. Изланувчи битирув иши мавзусидан келиб чиқиб зарур бўлган, ишлаб чиқариш кўрсаткичларни иқтисодий таҳлил қилган. Мавзуга керак булган барча маълумотлар, ЭҲМда қайта ишланган ва олинган натижалар атрофлича таҳлил қилиб берилган.

Малакавий битирув ишида, иқтисодий мазмундаги масалаларни ечишда компьютерларнинг афзаллик томонлари кўрсатиб берилган.

Битирув иши айрим камчиликлардан холи эмас. Масалан битирув ишида, фикрларда айрим такрорланишлар, стилистик хатолар бор.

Хулоса қилиб айтганда, Гаппаров Нуриддин иқтисодиёт факультетида ўқиш давомида керакли асосий билимларни олганлиги ва хўжалиқда мутахассислик бўйича ишлаш жараёнида эгаллаган тажрибаларини бажарган малакавий битирув ишига қўллашга ҳаракат қилган.

Гаппаров Нуриддин томонидан бажарилган битирув иши, унга қуйилган талабларга жавоб беради ва Давлат Аттестация Комиссиясида ҳимоя қилишга тавсия этилади.

СамДУ факультет декани, доцент

Б.И.Усманов